


ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унга сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари, ноширлик соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, матбаачилар, олий ўқув юртининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар таклиф этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти – 2014» республика кўрик-танловининг голиб ва совриндорлари тақдирланди.

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талабалар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Танловнинг якуний босқичида худудий босқичларда голиб бўлган 14 олий ўқув юрти жамоаси жаннатмонанд диёримиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, бебаҳо маънавий меросимиз, ўлмас қадриятларимиз, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларни тараннум этди.

● Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, божхона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, авиаташув, электротехника, машинасозлик, энгил саноат, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этди. Музокараларда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофида таҳлил қилинди.

● Тошкент шаҳрида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ва ижтимоий фаол ёшларнинг «Талабалар фестивали» бўлиб ўтди.

Илмий-ижодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тусига эга бўлган мазкур фестивалда мамлакатимизнинг барча худудларидан беш юз нафардан ортиқ талаба-ёшлар қатнашди.

Фестиваль доирасида илмий-амалий конференциялар, маҳорат дарслари ўтказилди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари ташкил этилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми.)

Бошланиши 1-бетда.

Сўнги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охириги 7 йилда соҳа ривожига учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланигани бизнинг бу борада қандай қатта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда аънавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузағич мосламалари ўрнатилди ва шу тарихда барча худудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тарихидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520

соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартини бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажак истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган даъват авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишни бундай юксак маррага эришишнинг асосий шартини ва гарови сифатида кўраимиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиби ва мустақкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга таклиф қилиниб, улар иштирокида матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғу-

лотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, кўплаб ўзбек журналистлари ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келганини қайд этиш лозим. Келгусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эттириш оммавий ахборот воситаларимиз ривожига янги туртки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етуқ таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг замонавий янги биноси куриб фойдаланишга топширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини, ижодий маҳорат сирларини пухта эгаллаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлакатимиз журналистларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан аиниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни англатмайди. Бахт – бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келаётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга

куч-қудрат бағишлаб келаётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки, маънавиятни асраш – аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир.** Маънавий дунёимизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манамен деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, гурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамisha ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим деб билишимни яна бир бор изхор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги кутлуг айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТАЙИНЛАНДИЛАР



Майор **Жаҳонгир Бахтиёрович Ёқубжонов** — Транспортдаги ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи лавозимига



Майор **Кудратжон Файратжонович ЎРИНБОЕВ** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига



Подполковник **Сайидбахром Сайидбурхоневич САЙИДМУЖАЕВ** — Фарғона вилояти Бешарик тумани ИИБ бошлиғи лавозимига



Подполковник **Баходирхўжа Зарипович ШАРИПОВ** — Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ИИБ бошлиғи лавозимига



Подполковник **Азиз Шухратович АЛЛАНАЗАРОВ** — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ИИБ бошлиғи лавозимига



Майор **Акбар Исмоилович ЭГАМНАЗАРОВ** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига

Битирув

ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА БЎЛИШ – ЭНГ ОЛИЙ ШАРАФ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

ИИВ Академиясида бўлиб ўтган битирув тантанасида таълим даргоҳида малакали ва етук офицер кадрлар тайёрланаётгани, улар ички ишлар идораларида муваффақиятли фаолият кўрсатиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келаётгани мамнуният ила эътироф этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти, фахрийлар ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

... Оркестр садолари янгради. Саф майдонида Академиянинг жанговар байроғи тантанали равишда олиб чиқилди. Қалбларда жондан азиз она-Ватанга муҳаббат ҳисси жўш урди. Бу ўлмас ва бетакор туйғу битирувчиларнинг юз-кўзларидаги ҳаяжонда, ота-оналарнинг қувонч кўз ёшларида ўз аксини топди.

Битирувчиларнинг диплом олиш учун сафлангани тўғрисида ахборот берилган, ёш лейтенантлар ҳамда Олий академик курслари тингловчиларининг навбатдаги битирувчиларига дипломлар тантанали равишда топширилди. Шундан сўнг генерал-лейтенант А. Ахмедбаев мутахассислик дипломлари ва офицерлик унвонини олган ёш кадрларни битирув тантанаси билан қўлаб, ўзининг самимий тилакларини билдирди:

– Бугун барчамиз учун унутилмас кун. Энгинга ички ишлар идоралари ходими либосини кийиб, майдон узра саф тортиб турган йигит-қизларимиз нуфузли таълим даргоҳини тамомлаб, эл-юрт хизматига бел боғлаб туришибди.

Ҳозирги кунда ички ишлар идоралари тизимида ўтказилаётган кенг қўламли ислохотлар ходимларда она-Ватанга муҳаббат ва хизмат бурчига садоқат туйғусини, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни, касбий ва жанговар малакани шакллантиришга йўналтирилган. Зеро, юртимизда тинчлик, осойишталикни таъминлашга, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраб, озод ва обод Ватан барпо этишга хизмат



қиладиган етук ва малакали ички ишлар идоралари ходимларини тайёрлаш – муҳим бурчимиз бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Юртбошимизнинг «Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик, аслида, мана шу» деган сўзлари ушбу саф майдонида турган ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчига айланмоғи лозим. Шундай экан, баркамолликка интилиб яшаш, касбий тайёргарликни мунтазам ошириб бориш, хушмуомалалик, юксак маънавият, фуқаролар қалбига йўл топа билиш ҳар бирингиз учун кундалик вазифа бўлмоғи лозим.

Бугун барчамиз ўта мураккаб, таҳликали бир шароитда яшаётганимизни яхши биламиз. Хавф-хатар, дунёда тобора ортиб бораётган қарама-қаршилиқ миллий манфаатларимизни, суверенитетимиз, ҳудудий яхлитлигимизни янада кучли ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, она-Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас заминимиздаги тинч ва осойишта

ни учун ҳукуратимизга, вазирлик ҳамда Академия раҳбариятига ўз миннатдорлигини билдирди. Ўз навбатида, битирувчилар номидан сўзга чиққан Дилноза Парпиева юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш орқали билдирилган юксак ишончни оқлашга ваъда берди.

– Ҳаётда ҳар бир инсон орзу билан яшайди, – дейди ИИВ Академияси битирувчиси, жиззахлик Бобур Боймуродов. – Орзуи ушалган кун эсангиз энг бахтиёр кунидир. Шу маънода, бу кун бутун умр ёдимда қолади. Ушбу даргоҳда тўрт йил давомида малакали устозлардан сабоқ олдим. «Тезкор-қидирув фаолияти» йўналиши бўйича мутахассислик дипломи ва лейтенант унвонига сазовор бўлдим. Келгуси хизмат фаолиятимда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш учун бу ерда олган барча билим ва салоҳиятимни сафарбар этаман.

– Отам ички ишлар идораларида хизмат қилади. Мен ёшлигимдан отамга ҳавас қилиб, соҳада хизмат қилишни дилимга тугиб қўйгандим. Бугун шу орзум ушалди, – дея суҳбатга қўшилади яна бир битирувчи Бекзодбек Исомбеков. – Бугун халқимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли хизматга отланаётганимдан бахтиёрман. Зотан, эл-юрт хизматида бўлиш биз, фарзандлар учун энг олий шараф, муқаддас бурчдир.

Камол ОЛЛОЁРОВ.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

ХУНРЕЗЛИК

Нигериянинг шимоли-шарқий қисмидаги Майдурури шаҳрида террорчи аёллар ўзини ўзи портлатиб юборишди. Натижада 30 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Биринчи портлаш масжид яқинида юз берган. Иккинчи портлаш бинодан озгина узокликда амалга оширилган. Ушбу хунрезлик туфайли кўплаб фуқаролар ярадор бўлган. Жабрланганларнинг умумий сони ҳозирча аниқ эмас.

ТАБИЙСИНИНГ ЎРНИНИ БОСА ОЛАДИ

Швед олимлари сунъий асаб ҳужайраларни яратибди. Улар табиий асаб ҳужайраларнинг ўрнини боса олади, яъни организмдаги ўзгаришларни аниқлаб, бу ҳақда бошқа ҳужайраларга хабар жўнатади. Ҳужайралар электр тоқини яхши ўтказадиган полимер материалдан яратилган. Ҳозирча сунъий ҳужайраларнинг ҳажми анчайин катта. Лекин кейинчалик нанотехнологиялар ёрдамида уларни кичрайтиришмоқчи. Мутахассислар асаб касалликларни даволашда янги кашфиёт қўлаб келади деб умид қилишмоқда.

ЖАЗИРАМА ТУФАЙЛИ

Покистонда жазирама иссиқ туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони кўпайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, ҳаддан зиёд иссиқ об-ҳаво шароити таъсирида ҳозиргача икки минг одам ўлган. Кўпроқ мамлакатнинг жануби ва Карачи шаҳри аҳолиси жабр кўрмоқда. Ушбу ҳудудларда ҳаво ҳарорати 40 даражадан юқори. Синоптикларнинг маълумотларига қараганда, юқори ҳарорат июль ойи охиригача давом этади. Бундай кун иссиқ Рамазон ойига тўғри келганлиги аҳволни янада мураккаблаштирмоқда. Чунки ушбу ойда мусулмонлар рўза туттишади. Устига устак мамлакатда электр таъминотида узилишлар юз бериб турибди. Покистон фавқулодда вазиятлар хизмати раҳбарининг айтишича, яқин кунлар ичида иссиқ ҳароратдан жабр кўрганларга ёрдам берадиган 100 та пункт ташкил этилади.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Шу кунларда Непалда апрель-май ойларида рўй берган кучли zilzila натижасида зарар кўрганларга ёрдам беришни кучайтириш юзасидан халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. Йигилишда 50 та мамлакатдан 270 нафар вакил иштирок этмоқда. Непал Ташқи ишлар вазири Бадахур Пандеининг маълумот беришича, мамлакатни қайта тиклаш учун 6,7 миллиард АҚШ доллари керак бўлади. Ҳиндистон Непалга баҳор фаслида юз берган ер силкинishi оқибатида вайрон бўлган жойларни қайта тиклаш ишларига бир миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратмоқчи. Мамлакат ташқи ишлар вазирининг айтишича, ушбу маблағнинг тўртдан бир қисми грант кўринишида берилди.

АЛЯСКАДАГИ ҲАЛОКАТ

Аляскада сайёҳлик самолёти ҳалокатга учради. Унинг бортида 9 нафар одам, яъни учувчи ва саккиз нафар сайёҳ бўлган. Самолёт Катчикан шаҳри яқинидаги қояга урилиб кетган. Фалокат юз берган жойга қутқарувчилар йўл олишди. Ҳозирча учувчи ва сайёҳларнинг тақдирини номаълум. Пайшанба ҳаво жуда булутли бўлиб, жануби-шарқий томондан кучли шамол эсгани авиаҳалокатга олиб келган сабаблардан бири бўлиши мумкин деб тахмин қилинмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВга Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси консули У Бёнг Иль ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, подполковник Ш. Гиясов меҳмонни қабул қилди ҳамда у билан суҳбатлашди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси деярли барча йўналишларда узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилаётгани қайд этилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича икки давлат ўртасида алоқалар равнақ топаётгани, транс-миллий жиноятчиликка қарши курашиш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Ишчан вазиятда ўтган мулоқот

чоғида ушбу алоқаларга оид долзарб масалалар ҳамда истиқболли йўналишлар муҳокама қилинди.

Учрашув сўнггида У Бёнг Иль Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Корея Республикаси Миллий полиция агентлиги ўртасида бир-бирини тушуниш тўғрисидаги Меморандумни топширди. Мазкур Меморандум давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга ташрифи давомида имзоланган эди.

Г. ПЕТРОСЯН.

Давра суҳбати

Куни кеча Тошкент шаҳрида «Қабул қилинган қонунларни ижрочилар ҳамда аҳолига етказиш бўйича халқаро тажриба: ҳуқуқий тартибга солиниши ва амалий жиҳатлари» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир республика Бош прокуратураси ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар бўйича координатори, БМТнинг Тараққиёт дастури, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти, АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамкорлигида ташкил этилди. Давра суҳбатида хорижлик мутахассис ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ


Қонунлар моҳиятини аҳолига етказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, бу йўналишдаги ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниришда нодавлат нотижорат ташкилотлар, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги борасида ўнга яқин чет давлатлардан ташриф буюрган хорижий ҳамда миллий экспертлар маъруза қилдилар. Шунингдек, йиғилганлар юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган сиёсат, турли ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳоли ва ижрочиларга етказилиши борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Маърузачи мутахассислар бу борада мутасадди идораларнинг фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

Баҳс ва мунозараларга бой бўлган ушбу давра суҳбати якунида тегишли амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

М. ОЧИЛОВ,
майор.

Журнални варақлаганда

ИЛМ ВА МАЪРИФАТ ЗИЁСИ



«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнаlining навбатдаги 2-сонида чоп этилган мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотса ажабмас. Жумладан, «Юксак маънавият – энгилмас куч» рункидаги К. Усмоновнинг «Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ахлоқий жиҳатлари» мақоласида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини камол топтириш масалаларига эътибор қаратилади. Айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ажодларимизнинг бой маънавий меросини, урф-одат, расм-русум ва удумларнинг аҳамияти хусусида маълумотлар келтирилган.

«Инсон ва қонун» рункидаги И. Исмоилов ва К. Алибекованинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими – тинчлик ва осойишталик гарови» мақоласида мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, бу борадаги кўрсаткичлар ўтган йиллар билан қиёсий таҳлил қилинган. «Тарих саҳифаларида» рункида чоп этилган О. Бўриев ҳамда Ш. Искандаровнинг «Амир Темур – Туркистон саййидлари ҳомийси» сарлавҳали мақоласида аввало «саййид» атамасининг маъноси, келиб чиқиши тарихий манбалар асосида изоҳлаб берилган. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг илмга бўлган юксак эътибори, саййидларга кўрсатган ҳурмат-эҳтироми ҳақида ҳикоя қилувчи воқеалар келтириб ўтилган.

Шунингдек, ушбу сондан З. Мирзаевнинг «Ҳуқуқий эксперимент: Самарқанд вилояти тажрибаси», М. Эсановнинг «Очкўз жамияти сари: Бухоро вилояти тажрибаси», Т. Аметовнинг «Сайлов тизими ислоҳ қилиш – демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида» мақолалари ва бошқа материаллар ўрин олган.

Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ.

Ўқув машғулоти

Сурхондарё вилояти ИИБда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув машғулоти ўтказилди. Унда вилоят прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари Ў. Акрамов, вилоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Д. Ҳакимов, Омбудсманнинг вилоятдаги масъул ходими А. Бобоёров ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими катта мутахассиси И. Тажиддинов иштирок этди.

ҚОНУН МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Ўқув машғулоти вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник А. Турсунов бошқариб борди. Машғулот кун тартибидеги биринчи масала юзасидан вилоят прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари Ў. Акрамов маъруза қилди. У «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди.

Вилоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Д. Ҳакимов эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом ҳақида»ги Қарорни амалиётга татбиқ этиш масалалари тўғрисида гапирди. Жумладан, била туриб ёлғон маълумотлар баён этилган муносабатларни кўриб чи-

қишда давлат органи томонидан қилинган ҳаражатлар жисмоний ёки юридик шахсдан суднинг қарорига кўра ундириб олиниши мумкинлигини, муносабатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек, тўхмат ва ҳақоратдан иборат муносабат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишини тушунтирди.

А. Бобоёров жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоятидаги масъул ходимига келиб тушаётган ариза ва шикоятларни вилоят ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ўрганиш, бунда жойларга чиқиш орқали текшириш амалиёти йўлга қўйилганлигини, шунингдек, фуқароларни қабул қилиш ишларини сайёр қабуллар ўтказиш орқали ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Вилоят ИИБ котибияти референти, сержант С. Тўрақулов «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом ҳақида»ги Қарорининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2015 йил 5 майдаги буйруғи талаблари билан шахсий таркибни таништирди.

Вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими катта инспектори, катта лейтенант Ш. Ирназаров Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг ички ишлар идораларида фаолият юритаётган «Ишонч телефонлари» орқали жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган муносабатларни қайд этиш ва ижросини таъминлаш бўйича буйруғи талабларини шахсий таркибга етказди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарилиб, жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган муносабатларини кўриб чиқиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Шавкат ЖАЛИЛОВ,
вилоят ИИБ ИХҚ
ва ЮТБ бошлиғи,
майор.

Сурхондарё вилояти.

Семинар

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ
ҲИМОЯДА

Ички ишлар вазирлиги ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Самарқанд шаҳар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини тарғиб қилиш бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда малака ошириш тайёргарлиги бўйича таҳсил олаётган давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг сержантлар таркиби ҳамда Самарқанд вилояти Адлия, Давлат солиқ ва ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаларининг мутахассислари иштирок этишди. Семинарнинг марказ бошлиғи, полков-

ник Қ. Эргашев очгандан сўнг иштирокчиларга ҳозирги кунда республикада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, уларнинг фаолиятига сабабсиз тўсиқлик

қилишнинг олдини олиш ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларини текшириш давомида қонунийликка риоя қилишлари юзасидан кўрсатмалар бериб ўтилди. Тадбир давомида мамлакатимиз раҳбарининг мазкур фармони ҳамда Адлия вазирлигининг унга дахлдор бўлган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга етарли жавоб олди.

Ш. ТОЖИМАТОВ,
майор.



Суратни капитан Д. БУРХОНОВ олган.

Тадбир

Республика ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида турли тадбирлар, учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб келинади.



ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги семинарда инсон маънавиятини камол топтиришда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарининг тутган ўрни хусусида сўз юритилди. Уни марказ бошлиғи ўринбосари, подполковник Т. Азимов очиб, мазкур асарнинг мазмун-моҳияти, унинг нафақат ёш авлод, балки ҳар бир инсон тафаккурини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Тадбирда сўзга чиққан Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилоят бўлими мутахассиси Р. Қирғизов маънавият ўзликни англаш шarti, ўзликни англаш – тараққиёт омили эканлигини, бу ўз навбатида миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлиши, жамики, эзгу фазилатлар инсон қалбига, авва-

ло, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингишини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди.

Йиғилишда фуқаролар маънавиятини шакллантириш масаласи гоят долзарб аҳамиятга эга эканлиги, жамиятимизнинг барча жаҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самардорлиги аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой, тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, аъна ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият, санъат, фан, таълим ривожини, энг муҳими, тафаккурнинг юксалиши билан узвий боғлиқлиги эътироф этилди.

Тадбирда доирасида ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Ш. ЮСУПОВ,
майор.

26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

ЎЗБЕКИСТОНДА 1,4 ТОННА НАРКОТИК МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган катта миқдордаги гиёҳвандлик моддалари йўқ қилинди. Тадбир Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни арафасида ўтказилди.

Жорий йилда 775 килограмм опий, 309 килограмм марихуана, 133 килограммдан зиёд героин, 93 килограммдан ортиқ наша, 84 килограмм кўкнори, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори ва наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги гиёҳвандлик моддалари ёқиб юборилди.

Тадбирда БМТ, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситаларни махсус печларда ёқиш орқали йўқ қилиш амалиёти мамлакатимизда 1994 йил май ойидан буён қўлланиб келинмоқда. Ўтган вақт давомида мамлакатимизда жами 54 тонна гиёҳванд воситалар ёқиб юборилди ва бунинг натижасида миллионлаб инсонлар ҳаёти асраб қолинди.

– Ҳар йили наркотик моддалар бутун дунёда 200 мингдан зиёд кишининг умрига зомин бўлмоқда, жиноятчилар эса ушбу захри қотилни сотишдан миллионлаб доллар даромад олмақда, – деди БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ашита Миттал. – Наркотик моддалар савдоси трансгегаравий муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш учун ҳам миллий, ҳам давлатлараро даражада қатъий ҳамда ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси захри қотилга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг стратегик шериги ҳисобланади ва ҳар йили ушбу йўналишда улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат

қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, 2014 йилда мамлакатимизда қарийб 2,3 тонна наркотик воситалар мусодара қилинган. «Қорадори – 2014» операцияси давомида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар экилгани ҳақида 1125 ҳолат аниқланган.

2014 йилда гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғуллангани учун қўлга олинганлар орасида МДХ, Осиё ва Европа давлатларининг 100 нафар фуқароси ҳам бор. Улардан 133 килограммдан зиёд гиёҳвандлик моддаси, 1530 психотроп таблетка ва прекурсорлар мусодара қилинди.

Таъкидлаш жоизки, аниқланган ҳар бир жиноят – бу Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси тизимида наркотикларга қарши курашиш бўйича махсус бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ва Олий ҳарбий божхона институтида махсус кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Давлат божхона қўмитаси таркибида илғор технологиялар бўйича кинолога мутахассислар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлайдиган ҳамда ўқитадиган Миллий кинология маркази ташкил этилган. Сўнгги йилларда мамлакатимиздан уч мингдан зиёд мутахассис халқаро лойиҳалар доирасида хорижий давлатларда ўқиб, малакасини ошириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ташкил этилган Психоактив моддаларни суиистеъмол қилиш

соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш маркази бу борада тегишли маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланмоқда. Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказида, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таҳлил бошқармаларида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши бўйича ахборот-таҳлил тизими фаолият кўрсатмоқда. Айтилган Миллий идоралараро маълумотлар базаси тизимини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилаётир.


Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маҳорати ва мавжуд моддий-техник имкониятлар кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олдини

операциялар Афғонистон ва Тожикистондан йирик миқдордаги гиёҳвандлик моддалари контрабандасининг олдини олди.

Ваколатли органлар қўшни давлатлардан наркотиклар етказиб бераётган оғуфурушларни аниқлаш борасида ҳам катта ишларни олиб бормоқда. Бунинг учун чегара ва божхона назорати кучайтирилиб, транспорт воситалари синчковлик билан кўздан кечириллаётир. Бунинг натижасида, масалан, 2014 йилнинг декабрида Тожикистондан Литвага кетаётган транзит юк поездидаги юклар орасида 6,8 килограмм героин борлиги аниқланди.

– Наркотиклар етиштирувчи энг йирик мамлакат бўлиб қолган Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистондаги гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда, – деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори А.Мансуров. – Афғонистонда тайёрланган наркотикларни Ўзбекистонга асосан Тожикистон, Қирғизистон ва бевосита Афғонистондан олиб киришга уринилмоқда. Бунга қарши аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар самарасида гиёҳвандлик моддаларининг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилган. Натижада Ўзбекистонда наркотик моддалар ишлаб чиқаришнинг хомашё базаси йўқ қилинди, гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар сони ҳамда наркомания касаллиги кўрсаткичи йил сайин камайиб бормоқда. Масалан, 2014 йил 2013 йилга нисбатан гиёҳвандликка мубтало бўлган 18-19 ёшдаги беморлар сони 7,2 марта камайди.

Мамлакатимизда қабул қилинган Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011–2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ўз самарасини бераётир. Бу эса Ўзбекистон халқаро ташкилотлар фаолияти доирасида наркотикларга қарши курашиш бўйича зиммасига олган мажбуриятларни, имзоланган икки ва кўп томонлама шартномаларни тўлиқ бажараётганидан далолат беради.



олишда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, 2014 йили давлат чегараси орқали наркотиклар контрабандаси каналини ташкил этиб, катта миқдорда гиёҳвандлик моддалари олиб ўтадиган бир қанча минтақалараро гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди.

Шундай гуруҳлардан бирининг аъзоси – Афғонистон фуқароси Шохжаҳон Зиё ўғли ўтган йилнинг февраль ойида Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинган. У тунда Амударё орқали резина қайиқда «қимматбаҳо юк», яъни 64,6 килограмм опий олиб ўтишга уринган. Унинг яна бир ҳамюрти Абдулҳаким Муҳаммадқул ўғли ҳам шу туманда 20,3 килограмм опий билан қўлга тушган. Ўтган йили март ва май ойларида Самарқанд вилоятида ҳам 45 ва 32,5 килограмм опий мусодара қилинди. Ушбу махсус

Ўзбекистон гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзосидир. Мамлакатимиз Марказий Осиё наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Тошкентда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Интерпол ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада ахборот ва тажриба алмашинаётгани гиёҳвандлик моддалари тарқалишига қарши минтақавий ва халқаро даражада курашишда муҳим омил бўлмоқда.

Наркотикларни ёқишга бағишланган бу галги маросим мамлакатимизнинг ушбу глобал муаммага нисбатан қатъий позициясини яна бир бор намоён этди. Мазкур тадбирнинг гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича ойлик доирасида ўтказилгани кенг қўламли тушунтириш ишларининг самарадорлигини янада оширмоқда.

Ойлик доирасида гиёҳвандлик моддаларни суиистеъмол қилишнинг фожиали оқибатларига бағишланган туркум эшиттириш ва кўрсатувлар эфирга узатилиб, босма ва электрон нашрларда мақолалар эълон қилинаётир. Меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллалар, болалар ёзги оромгоҳлари, клубларда давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда.

Наркотикларни ёқиш маросимида хорижлик ва мамлакатимиз экспертлари барчани гиёҳвандлик моддаларига қарши курашишда янада жипслашишга чақирди. Зеро, инсониятга таҳдид солаётган энг ёвуз хавфга қарши курашишда давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг яқин ҳамкорлигидагина қўшилган натижаларга эришиш мумкин.

Сардор ТОЖИБЕВ,
ЎЗА мухбири.

Наманган вилоятида ҳам 26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунига бағишлаб маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Айниқса, оромгоҳларда дам олиб, марокли ҳордиқ чиқараётган ўқувчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари билан боғлиқ тадбирларга алоҳида урғу берилди.

Жумладан, Янгиқўрғон туманидаги «Камалак» болалар оромгоҳида вилоят ИИБ ташаббуси билан ташкил этилган расмлар танлови, спорт мусобақалари болаларда илиқ таассурот уйғотди. Жараёнда ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок

«Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» —

дейди истиқлол ёшлари

этиб, аср вабоси саналган гиёҳвандлик иллатига барча бирдек курашиши зарурлигини яхши англаётганларини кўрсатди.

– Ҳар йили мана шу оромгоҳда дам оламан, – дейди ўқувчилардан бири Райҳона Оловиддинова. – Бу йил ҳам кўплаб дўстлар ортирдим. Бугунги тадбирдан гиёҳвандлик нақадар аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигини тушуниб етдим. Таътилдан сўнг мактабга қайтган бу ҳақда тенгдошларимга албатта, сўзлаб бераман.

Дарҳақиқат, оғуға қарши кураш ҳиссини болада



ёшлигиданоқ шакллантириш лозим ва бу ишда ҳамкор ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатлари муҳим. Шу жиҳатдан вилоят халқ таълими бошқармаси вакиллари болалар билан инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш, уни зулматга элтувчи ёт гоғлар таъсиридан сақлаш каби мавзуларда суҳбат ва тушунтириш ишларини олиб борган бўлса, вилоят ИИБ ходимлари иллатнинг жамият учун нақадар катта хавф туғдириши ҳақида батафсил маълумот беришди. Шунингдек, ўқувчиларга гиёҳвандлик иллатининг аянч-

ли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Ажал тўри» номли фильм намойиш этилди.

Ўз навбатида, ўқувчилар гиёҳвандликка қарши қарашларини ўзларининг расмлари, иншолари орқали ифодалашди. Бундай иллатларга чалғимай, вақтни фанимат билиб, яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда билимларни бойитишга, спорт билан шуғулланиш орқали чиниқиб, етук инсон бўлиб улғайишга ваъда беришди. Бу каби тадбирлар вилоятдаги бошқа оромгоҳларда ҳам бўлиб ўтди.

Сардорбек БОЛТАБОВЕВ,
лейтенант.

Наманган вилояти.
Муаллиф олган сурат.

ТЕМИР ЙЎЛДА ЁТ ЖИСМ БЎЛМАСИН!

Урганч темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ходимлари бекатларда, темир йўлларда ҳамда ҳаракатланаётган поездларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишда ҳушёрлик билан хизмат қилишмоқда. Хусусан, тармоқ ИИБ ҲООГ ходимлари тасдиқланган режага асосан темир йўл бекати ҳамда 138 километрдан иборат бўлган ҳудудда фаолият юритиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан самарали ишлар қилишяпти. «Антитеррор–Тозалаш», «Таътил», «Қидирув», «Диққат, болалар!» каби кўплаб профилактик тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҲООГ ходимлари томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир қилган 177 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди. Уларнинг 152 нафари транспорт қоидаларини бузган, тўққиз нафари тақиқланган жойларда спиртли ичимлик истеъмол қилган шахслардир.

Соҳавий хизмат ходимлари темир йўл билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, поезд вагонлари ва бошқа иншоотларга шикаст етказмаслик, рельсларга бегона жисмларни қўймаслик ҳамда белгиланган ҳудудларда чорва молларини боқмаслик каби муҳим масалалар юзасидан

профилактик тадбирлар олиб боришяпти.

– Ўтказилаётган бундай кенг қўламдаги тадбирларга қарамасдан айрим фуқароларимиз ҳамон белгиланган қонун ҳужжатлари талабларига бефарқ муносабатда бўлишяпти, – дейди тармоқ ИИБ ҲООГ инспектори, лейтенант Рўзимбой Отахонов. – Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, хонқалик Ў. Мансурбек ҳамда боготлик О. Азамат спиртли ичимлик истеъмол қилиб, темир йўл рельслари орталиғида ухлаб қолишган. Натижада ҳаракатланиб келаётган тепловоз уларнинг устидан ўтиб, турли даражада тан жароҳатларини етказган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида тарғибот-таш-



виқот ишларини янада кучайтиряпмиз.

Ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва уларнинг оила аъзоларини ўз вақтида аниқлаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда улар иштирокида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда тармоқ ИИБ ҲООГ ВЕЎН ва ХПГ ходимлари ҳам самарали ишларни амалга

оширишмоқда. Ҳозирга қадар темир йўлга яқин ҳудудларда ота-оналар назоратидан четда қолган 40 нафар вояга етмаган ёшлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Турли ҳуқуқбузарликларга қўл урган тўрт нафар ўсмирга нисбатан тўпланган ҳужжатлар маҳаллий ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига юбо-

рилди. Айни пайтда темир йўл ҳудудига яқин жойлардаги маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ёзги дам олиш оромгоҳларида ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдосидан ҳимоя қилиш мақсадида учрашувлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

– Ходимларимиз зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири йўловчиларнинг соғ-саломат ўз манзилларига етиб олишлари ҳамда вагонларда ташиладиган юкларнинг бутлигини таъминлашдан иборат, – дейди Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор Хайрулла Юлчиев. – Юқори касбий маҳоратга эга бўлган ходимларимиз ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашаётгани тўғрисида улар қузатувида бўлган йўловчи ҳамда юк поездларида кўнгилсиз ҳолатлар содир этилишига йўл қўйилмаяпти.

Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ҲООГ ходимларининг ҳушёрлик билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Хоразм вилояти.

Суратда: Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ҲООГ инспектори, лейтенант Рўзимбой Отахонов темир йўл вокзали ишчи-хизматчилари ва йўловчилар билан суҳбатлашмоқда.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Паспорт тартиботи – ҳаёт зарурати

МУҲИМ ҲУЖЖАТНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Республикамизда фуқароларни биометрик паспорт билан таъминлаш қизғин паллага кирган. Агар бу борада аввалги йиллардаги жараёнларга бир назар ташланса, муҳим ҳужжатни тайёрлаш, фуқароларга қулай шароитлар яратиш бўйича жуда катта ишлар қилишди ва етарли тажриба тўпланди. Зотан, фуқаро шахсини тасдиқловчи бу ҳужжат исталган давлатда уни ҳар томондан амалдаги қонунларимиз билан ҳимоялашни кафолатлайди. Ана шунинг учун ҳам юрдошларимизнинг унга бўлган эътибори ва масъулияти янада ошмоқда.



Пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ паспорт бўлинмаси ходимлари зиммаларидаги масъулиятли вазифанинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, шунга муносиб саъй-ҳаракатлар олиб боришгани учун айни пайтда ҳудудда яшовчи фуқароларнинг асосий қисми биометрик паспорт билан таъминланган.

Шунингдек ушбу жараёнда илк бор паспорт олиш ҳуқуқига эга бўлган 16 ёшга тўлган ёшларга муҳим ҳужжатни ўз вақтида етказиб бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор

қаратилди. Тумандаги мавжуд 51 та мактабда бўлинма ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда профилактика инспекторларидан иборат гуруҳ ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, фуқаро ҳаётида биометрик паспортнинг тутадиган ўрни батафсил тушунтирилди. Ушбу ҳужжат билан боғлиқ тартиб-қоидаларни бузиш оқибатлари немаларга олиб келиши бўйича тайёрланган видеолавҳалар ўқувчиларга намойиш этилди. Катта ёшдаги фуқаролар ўрта-

сида ҳам махсус тузилган режа асосида ташвиқотлар олиб борилди. Негаки, ҳозирги кунда ҳудудда турли миллатга мансуб кишилар яшашади. Уларнинг кўпчилиги тижорат ёки саёҳат билан қўшни давлатларга тез-тез бориб туриши, шунингдек, давлат тилини муқаммал билмаслигини инобатга олиб, кези келганда, ҳар бир хонадонга алоҳида-алоҳида кириб, тушунтиришлар берилгани ҳам мақсадга эришишда муҳим омил бўлди.

Бугун туманда яшовчи исталган фуқародан биометрик паспорт тўғрисида сўрасангиз унинг афзалликларини фахр билан сўзлашади. Айниқса, чет элларда бўлиб қайтганлар бундан жуда хурсанд.

– Тадбиркорлик фаолияти бўйича Жанубий Корея давлатига боришим керак эди. Бироқ паспортимни алмаштириш муддати келиб қолганди. Туман ИИБ паспорт бўлинмаси ходимларига мурожаат қилганимда, улар белгиланган тартиб бўйича биометрик паспорт олишимда амалий ёрдам беришди, – дейди Дўстобод шаҳарчасида яшовчи Ким Сан. – Авваллари ҳам бошқа республикаларда бўлганим учун йўлда, аэропорт ва меҳмонхоналарда паспорт-виза қоидалари бўйича текшираётганларга алоҳида эътибор берардим. Бу

гал ҳам шуни қузатдим: назорат масканидагилар шахсимни тасдиқловчи ҳужжатимни қўлига олиб кўришгач, ҳеч бир тўсиқларсиз, энг асосийси, қимматли вақтни йўқотмасдан ўтказиб юборишди. Билсам, ўзим ҳақимдаги барча маълумотлар аллақачон компьютер базасига киритилган экан. Бу қулайликлардан баҳраманд бўлиш қаторида, паспортимизни авайлаб-асраш, шаънимизга доғ тушурмаслик барчамизнинг бурчимиз. Зотан, паспорт – бу нафақат шахсимизни тасдиқловчи ҳужжат, балки юзимиз, шаънимиз, ғуруримиз ҳамдир.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳудудда боқувчисини йўқотган, кўп болали ва ўзгалар ёрдамига муҳтожлар ҳам бор. Уларни биометрик паспорт билан таъминлашда туман ҳокимлиги, ҳомийлар ҳамда ишбилармонлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Бир сўз билан айтганда, йил охиригача паспорт олиш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар ушбу муҳим ҳужжатга тўлиқ эга бўлишади. Чунки бунга тайёргарлик ҳам, имкониётлар ҳам етарлича эканини соҳа ходимлари эътироф этишмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Тошкент вилояти.

Суратда: Сарвиноз Қаршибоева биометрик паспортни илк бор қўлга олганидан қувончи чексиз.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ТЕЗКОР, ҲУШЁР ВА ФИДОЙИ

Мирзо Улуғбек тумани пойтахтимизнинг аҳоли гавжум ҳудудларидан бири. Турли корхона ва ташкилотлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўнгилочар масканлар аҳолининг фаровон яшашига хизмат қилмоқда. Ҳалол меҳнати орқали ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтираётган фуқаролар орасида қинғир йўллар билан бойлик орттиришга уринаётган кимсаларнинг борлиги эса ачинарлидир.

Яхшики, ҳушёр ва фидойи осойишталик посбонлари уларнинг фаолиятига ўз вақтида барҳам беришяпти. Бу борада туман ИИБ ЖК ва УЖКҚБ ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг саъй-ҳаракати билан босқинчилик, ўғирлик, талончилик, безорилик каби кўплаб жиноятлар фош этилди.

Мана, бир мисол. Туманнинг марказий кўчаларидан бирида жойлашган интернет-кафеда ишловчи С. Рустамни (исм-шарифлар ўзгартirilган) иш жойидан Р. Умар ва А. Фаррух ташқарига чақиради. Улар ўртасида аввал пул олди-бердиси бўйича можаро бор эди. Рустам ташқарига чиққанида йигитлар уни дўппослаб, 500 АҚШ доллари ва уяли телефон апаратини тортиб олиб жуфтакни ростлашади. Жабрланувчи тан жароҳати билан шифохонага келтирилгач, ички ишлар идорасига хабар берилди. Тезкор ходимлар шу куннинг ўзида бу икки зўравонни қўлга олиб, қонун ҳукмига топширишди.

Бўлимда «Устоз-шогирд» аънаси яхши йўлга қўйилган. Ички ишлар идораларида узок йиллардан бери хизмат қилиб келаётган катта тезкор вакиллар – майорлар Фарҳод Ҳамидуллаев ва Оловиддин Умаров ёш ходимларга ўз тажрибаларини ўргатиб, уларнинг етуқ кадрлар бўлиб шаклланишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Катта тезкор вакил, катта лейтенант Шерзод Низомов, тезкор вакиллар, лейтенант Мурод Бобобеков ва Жаҳонгир Алимбоев ёш бўлса-да, ўзларининг тиришқоқлиги, пухта билими, синчковлиги тўғрисида кўплаб ижобий натижаларга эришмоқда.

Албатта, изқуварлик ходимдан жисмонан соғломликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бўлим ходимлари спорт билан мунтазам шуғулланишади. Бу ўринда бўлим тезкор вакили, лейтенант Азиз Раҳимовнинг эркин кураш бўйича кўплаб нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этганини эътироф қилиш жоиз.

Синчковлик, ҳушёрлик, фидойилик каби сифатларни ўзида жамлаган осойишталик посбонлари бор экан, жиноят содир этган ҳеч бир кимса қонун ҳукмидан қочиб қутула олмайди. Халқимиз тинч ва хотиржам ҳаёт кечираверади.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ, сержант.

Тошкент шаҳри.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

▼ *Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги*

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН, ҲАМШАҲАР!



Ҳар куни турли сабаблар билан кўчага чиқишимизга тўғри келади. Ва хоҳ пиёда бўлайлик, хоҳ автоуловда, йўл ҳаракати қатнашчисига айланамиз. Бундай пайтда барчадан йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш, бир сонияга бўлса-да, ҳушёрликни йўқотмаслик талаб этилади. Афсуски, ҳаммани ҳам йўлда юриш маданиятига эга, тартиб-қоида бузмай ҳаракатланади, дея олмаймиз. Кимдир била туриб қоида бузади, кимдир маст ҳолда транспорт воситасини бошқариб ҳалокатга сабаб бўлади. Боз устига, динамик ва тезлик хусусияти юқори бўлган замонавий транспорт воситалари сони ҳамда ҳаракатланиш жадаллиги тезкорлик билан ўсиб бораётгани ҳам йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишнинг аҳамиятини янада оширади.

Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш аъёна тусини олган. Ойлик давомида содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинади, йўл ҳаракати қатнашчиларида қоидаларга риоя қилиш кўникмаси ортади, аксарият қоидабузарликлар аниқланиб, тегишли таъсир чоралари кўрилади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти пойтахтимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тўғрисида таклиф билан чиқ-

ди. Мазкур таклиф маъқулланиб, шаҳар ҳокимининг фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, 3 июндан 30 июнгача пойтахтимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказиладиган бўлди. Айти пайтда шаҳар ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситалари техник тайёргарлигини яхшилаш мақсадида ўтказилаётган ойлик жадаллик билан давом этмоқда.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» даврида транспорт ва пиёдалар, жумладан, бо-

лалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, кўриқдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, жараёнга кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш вазифалари кўйилган.

Жараён икки босқичда амалга оширилмоқда. Биринчи босқич эрталабки 8:00 дан кечки 20:00 гача давом этиб, бу вақт ичида Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходимлари йўлларда содир этилаётган ҳамда йўл-транспорт ҳодиса-

лари кўплаб қайд этилаётган «авария ўчоқлари», шунингдек, маҳалла ва кўп қаватли уйлар олдида қаровсиз қолдириб кетилган транспорт воситалари аниқланмоқда. Иккинчи босқич эса ЙҲХБ, ЖК ва ТҚКБ, ҲООБ ва қуйи тизим ходимлари ҳамкорлигида ўтказилапти. Бунда асосий эътибор тунги вақтда ўтказиладиган пойгаларнинг олдини олишга, қидирувдаги ёки профилактик ҳисобда турувчи шахсларни аниқлашга ва туман ИИБларга топширишга қаратилмоқда.

— «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давомида кўплаб қоидабузарликлар, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати бригадаси командирининг биринчи ўринбосари, подполковник Бахтиёр Нигманов. — Булар жумласига тезликни ошириш, светофорга амал қилмаслик, автоуловни маст ҳолда ёки техник носоз транспорт воситасини бошқариш, ҳаракат вақтида телефондан фойдаланиш, хавфсизлик камарини тақмаслик каби қоидабузарликлар киради.

Ойлик давомида кўплаб жиноятлар ҳам фош этилиб, айбдорлар қонун ҳукмига топширилмоқда. Жумладан, «Бектемир» ИПХ масканида хизмат олиб бораётган ЙҲХБ ИПХБ инспекторлари — катта сержант М. Умурзоқов ва сержант А. Эргашев Тошкент шаҳри томон келаётган «Матиз» русумли автоуловни тўхтатиб текши-

ришганида, унинг олди ўриндиғи тагидан иккита елим халтага ўралган яшил тусли, куритилган ўсимлик моддасини топишади. Ушбу топилма марихуана гиёҳвандлик моддаси эканлиги, у шу транспортда йўловчи сифатида келаётган 1984 йилда туғилган Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Г. Рустамга тегишли эканлиги аниқланди. Кўп миқдорда бўлган мазкур гиёҳвандлик модда-



си ашёвий далил сифатида олинди, ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилади.

Яна бир ҳолатда ЙҲХБ ходимлари транспорт воситаларини олиб қочишлигининг олдини олишга, жиноятчини «иссиқ изида» қўлга олишга муваффақ бўлишди. Яъни, 19 июнь куни тунги 3:40лар атрофида пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳудудидан фуқаро Лазиз Валиқулловга тегишли «Нексия» автомашинаси олиб қочил-

гани ҳақида хабар тарқатилди. Хабарга асосан шаҳар миқёсида «Тўсиб ушлаш» тадбири ўтказилди. Натижада Яққасарой тумани ҳудудида хизмат ўтаётган ички ишлар идоралари ходимлари автомашинани олиб қочган Н. Асрорни жиноий қилмишини яшириш мақсадида автомобилнинг давлат рақамларини алмаштираётган пайтида қўлга олишди.

Халқимиз йўлга отланаётганларга «Сафарингиз беҳатар бўлсин!» дея ният билдиради. Бу эзгу ниятнинг рўёбга чиқиши — йўлимиз беҳатар бўлиши, манзили-

мизга хотиржам, эсон-омон этиб олишимиз фақат ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишимиз керак. Шундай экан, бу ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи лозим.

Мирзоулугбек АЛИМОВ,
капитан.


Фозил МАМАШРИПОВ,
журналист.

Абу КЕНЖАЕВ олган
суратлар.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари


НИЯТИ БУЗУҚ ЙЎЛОВЧИ

Самарқанд шаҳрида яшовчи Қ. Қаҳҳор Оқдарё тумани ҳудудида «Нексия» автомашинасида кетаётганида йўл ёқасида бир киши қўл кўтарди. Қ. Қаҳҳор



автомашинани тўхтатганида, ўша нотаниш кимса ҳеч бир сабабсиз бирдан унга ташланиб, кетмакет мушт туширди. Ҳаддидан ошган безори бунга ҳам қаноатланмай, машина капоти ва ойналарига тош отиб синдириб, кейин қочиб қолди. Жабрланувчининг зудлик билан берган хабари асосида иш олиб борган ички ишлар идоралари ходимлари кўп ўтмай ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган безорини ушлашга муваффақ бўлишди. У самарқандлик Р. Абрам экан.

Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилапти.

ҚИЛМИШИДАН САБОҚ
ЧИҚАРМАДИ

Гулистонлик Қ. Дилрабо шаҳар ИИБга ариза билан муурожаат қилиб, кимдир уйига тунда яширинча кириб, етти турдаги заргарлик буюмларини ўғирлаб кетганини билдирди.

Мазкур ҳолат юзасидан ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида гумон қилинувчи тезда аниқланиб, қўлга олинди. Маълум бўлишича, ўғриликни илга-

ри ҳам худди шундай жиноят учун жавобгарликка тортилган қашқадарёлик М. Абдулазиз содир этган экан. Унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

ЖИҚҚАМУШТ ҚЎШНИЛАР

Фаргона вилояти Бағдод туманида истиқомат қилувчи Р. Мехриддин қўшнисини Н. Жумавой билан ўзаро гап талашиб, уришиб қолди. Жанжал тобора кучайиб, Р. Мехриддин қўшнисининг бошига тош билан уриб жароҳат етказди.

Жабрланувчи тезда шифохонага ётқизилди. Зўравон эса қилмиши учун жавоб беришга мажбур.



ИШОНУВЧАНЛИК ПАНД БЕРДИ

Олмалиқ шаҳрида яшовчи Е. Ким Тошкент шаҳрида жойлашган «Диёр» кафеси олдида қашқадарёлик Р. Ойбек билан танишиб қолади. Ўзаро суҳбат асосида Ойбек Е. Кимнинг ишончига кириб, алдаб-авраб, 320 минг сўм пулини қўлга киритади. Сўнг воқеа жойидан қочиб қолади.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида фирибгар тезда қўлга олинди. Айти пайтда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

МАҚСАД — ХАВФСИЗ
ШАРОИТДА ИШЛАШ

Газли нафақат Бухоро вилоятининг, балки республикамизнинг кўзга кўринган саноат шаҳарларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг аксарият қисми «Газли нефть-газ қазиб чиқариш» унитар шўъба корхонасида меҳнат қилади. Шунингдек, корхона ҳамда унинг конларида яна мингдан ортиқ ишчи-хизматчи бошқа шаҳар ва туманлардан қатнаб ишлайди. Худуднинг саноатлашгани биз, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаши табиий.

Жорий йил январь ойида корхона тасарруфидаги «Муллохол» мажмуасига қарашли йиғиш ва тақсимлаш қонидаги цехлардан бирининг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. Бунинг сабаби, қўлбола электр мосламаларидан фойдаланилганидир. Ҳолат юзасидан баённома тузилди ва кон устаси Р. Ражабов жаримага тортилди. Умуман ўтган ойлари давомида йиғирмага яқин ҳолатда цех ва агрегатлар фаолияти қисқа муддатга тўхтатилиб, аниқланган нуқсон ва камчиликлар бартараф қилинганидан кейин ишлашга рухсат этилди.

Айти пайтда корхонага тегишли масканлар ҳар жиҳатдан ўрганилиб, улар ҳудудида ёнғин хавфсизлиги талаб-меъёрларига амал қилиниши мунтазам назоратга олинган. Бирламчи хавфсизлик чоралари кўрилиб, ишлаб чиқариш цехларида ёнғин ўчириш бурчаклари ташкил этилган, ҳушёрликка қақирувчи панно ва баннерлар билан таъминланди. Ишчи-хизматчилар ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаётгани эса нафақат корхона ва унинг мол-мулкни асраш, балки меҳнат жамоаси хавфсиз шароитда ишлашининг муҳим омил

бўлиб хизмат қиляпти. Ишлаб чиқариш цехлари ва ишчилар ётоқхоналарида узлуксиз навбатчилик йўлга қўйилгани, кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳларининг ташкил этилгани сабабли рўй бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олди олинмоқда.

Дарвоқе, яқинда шахсий таркибининг касбий малакасини, худудда рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларга шайлигини ошириш мақсадида навбатдаги ўқув-амалий машғулоти юқори савияда ўтказилди. Унда офицер, сержант ва сафдорлардан иборат гуруҳлар ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Эътиборли жиҳати, корхонанин ёнғин муҳофазасига масъул бўлинмасининг хизмат ваколатлари фақат шу билангина чегараланмайди. Шаҳарчадаги давлат муассасалари, тиббиёт ҳамда таълим масканлари, аҳоли турар жойларининг ёнғин хавфсизлиги ҳам назоратга олинган. Олиб борилаётган профилактик ишлар натижаси ўлароқ, худудда содир бўлаётган ёнғинларнинг камайишига эришилмоқда.

Умид ТҮЙЕВ,
майор.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

Маънавий тарбия ва сиёсий маданият

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, аънава ҳамда урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласида бир қатор амалий ишлар қилинди.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий курашлар, ахборот хуружлари кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш долзарб вазифадир. Ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизда ҳаётга онгли, фаол муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллигига, тинчлик-осойишталигига хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузуларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни доимий равишда такомиллаштиришни ва самардорлигини оширишни талаб этади.

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда маънавий йўналишдаги вазифамиз халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида эришган ютуқ ва марраларимизнинг, Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидан тобора мустаҳкам ҳамда муносиб ўрин эгаллаб бораётганининг аҳамиятини юртимиз аҳолиси, айниқса ёшларга содда, самимий ва таъсирчан мисоллар ёрдамида кенг тушунтиришдан иборат. Албатта, кўзлаган марраларга эришимизда бугунги кун маънавий тарбиясининг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Маънавий тарбия – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуқлик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнидир. Инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган маънавий хусусиятларни тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатида моҳиятини таъминлайдиган абадий қадриятдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, маънавий тарбия масаласида ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масъулият йўқотилса, бу ўта муҳим иш ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озикланган минглаб йиллик миллий-этник асосларга эга миллат маънавияти ва тарихий хотирасидан айрилиб, охири-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиш мумкин.

Ўзбекистоннинг тараққиёт дас-турини, узок ва давомли мақсадларни белгилашда халқнинг моддий ва маънавий олами юксалтириш, ёш авлодни аж-доқлар қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, қадрлаш билан бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласи устувор вазифа қилиб олинган.

Маънавий тарбия атамаси кенг маънода инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бу тушунча, фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам ўз ичига олади.

Маънавий тарбия атамаси тор маънода муайян шахснинг маънавий ривожини, дунёқараши, ахлоқий сифатлари, эстетик дидини ўстиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Бунда маънавий тарбия оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари доирасида амалга оширилади.

Ҳар қандай маънавий тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг билими кўпайибгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий сифатлари ҳам қарор топиб боради. Шу боисдан ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат раванқининг энг асосий шартини ҳамда гарови деб билганлар.

Кейинги йилларда халқимизнинг қадриятларига бўлган муносабат ижобий томонга кескин ўзгармоқда. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида қадимги урф-одатларимиз, миллий менталитет билан боғлиқ маълумотлар кенг тарғиб қилинмоқда. Махсус саҳифалар, рукнлар ва эшиттиришлар ҳамда кўрсатувлар сони кўпайди, уларнинг сифат даражаси кўтарилди. Халқ мақоллари, топашмоқларидан тортиб, дoston, эртақ, кўшиқлар ҳақида мазмунли мақолалар, бир қатор тадқиқотлар эълон қилинди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг «Маънавият – инсоннинг улғайиш ва кучқудрат манбаидир» деган биринчи боби иккинчи фасли айнан «Маънавиятни шакллантириш»

тирадиган асосий мезонлар» деб номланган. Унда миллий маънавиятимизга асос бўлган барча муҳим омиллар атрофича таҳлил этиб берилган. Шунга суянган ҳолда, қуйидагиларни маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар сирасида санаш мумкин:

- маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар;
- халқ оғзаки ижоди;
- муқаддас динимиз;
- буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг бе-мисл илмий-ижодий кашфиётлари;
- оила;
- маҳалла;
- таълим-тарбия тизими.

Шу ўринда маънавий тарбия билан касбий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, экологик, диний ва турмуш маданиятларининг ёшларимизнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда муҳим

Сиёсий маданият маънавий қадриятларнинг алоҳида тизимини ташкил этиб, муайян жамият, гуруҳ, кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифода-лайди.

аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу ўринда сиёсий маданият борасида ҳам тўхталиб ўтсак. Сиёсий маданият маънавий қадриятларнинг алоҳида тизимини ташкил этиб, муайян жамият, гуруҳ, кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифода-лайди. У ўзида сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар мажмуи ва уларни ҳаётга татбиқ этадиган амалий фаолият тизимини мужассам этади. Сиёсий маданият жамият ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида юзага келган. Бунда кишилар фаолиятида сиёсий манфаатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Юнон мутафаккирларидан Геродот, Афлотун, Арасту ва бошқаларнинг асарларида қадимги Юнонистон сиёсий ҳаётини махсус ўрганиш туфайли сиёсий маданият ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган. Бундай тушунчалар туркий халқларнинг қадимги Ўрхун-Енисей битикларида ҳам ўзига хос ифодасини топган.

Сиёсий маданият – жаҳон маданиятининг таркибий қисми, сиёсий тажриба, сиёсий билимлар, ҳис-туйғулар даражаси, сиёсий субъектлар ҳулқ-атвори ва фаолияти намуналарининг бош кўрсаткичи, мамлакат, синф, миллат, ижтимоий гуруҳ сиёсий турмуш тарзининг умумий таърифидир. Ҳозирги замон сиёсат-

шунослик фанида «сиёсий маданият» тушунчасини ҳам, унинг таркибий қисмларини ҳам талқин этишга нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Бу ўринда талқин ва таърифларнинг кенг доирасига, аниқроқ айтганда, эллика яқин таърифга дуч келиш мумкин.

Хуллас, сиёсий маданият мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, тарихий нуқтаи назардан ҳам, миллий-маданий ва ғоявий-сиёсий нуқтаи назардан ҳам кўпгина ўзига хос жиҳатларга эгадир. Жамият сиёсий маданиятида ижтимоий гуруҳлар билан шахсларнинг сиёсий маданияти ўзаро боғланган ҳолда намоён бўлади. У ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичига хос сиёсий ва ижтимоий-психологик қадриятлар, сиёсий тузилмалар, сиёсий фаолият усуллари қабиларнинг йиғиндисидир.

Шахснинг сиёсий маданияти – индивид томонидан жамиятнинг сиёсий, мафкуравий ва ижтимоий-психологик қадриятларини ўзлаштириш, эгаллаш ва амалга ошириш тизими. Шахс сиёсий фаолиятида икки хил даража, яъни биринчидан, сиёсий маданиятни билиш, иккинчидан, уни амалий фаолиятда қўллаш даражаси узвий алоқада бўлади. Сиёсий маданият ҳар иккала даражанинг яхлит бирлигидан таркиб топади.

Сиёсий маданият тараққиёти ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий маданият билан узвий боғланган. Ҳар қандай жамиятнинг ҳуқуқий тизимининг негизини Конституция, қонунлар ташкил этади. Конституция сиёсий ҳаёт субъектлари ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш билан чегараланмайди, балки шу билан бирга, сиёсий муносабатларнинг янада такомиллашуви учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг беш тамойилидан бирида – турмушимизнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлашдан иборат, деб белги-ланган. Ҳуқуқий давлатни барпо этиш, авваламбор, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни таркиб топтириш, ривожлантириш ва амалга оширишдан иборатдир. Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданиятнинг даражаси қонунларни билиш, ҳуқуқий маданият қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданият, бир томондан, ҳуқуқий онг, иккинчи томондан, ҳуқуқий муносабатлар ва ниҳоят, ҳуқуқий фаолликнинг яхлит бирликда намоён бўлишини ифода-лайдиган маънавий қадриятлар тизимидир. Мустақилликка эришган мамлакатимизда сиёсий маданиятни таркиб топтириш истиқлол берган буюк неъматларнинг моҳиятини тушунишга, қадрлашга ва ҳимоя қилишга қаратилгандир. Жамиятимиз сиёсий маданиятининг олий мақсади ва тарихий вазифаси ёшларимизнинг сиёсий маданияти, онгини шакллантириш, фаол сиёсий по-

зицияга эга бўлишини таъминлаш, истиқлол йўлидан бораётган давлатимизнинг куч-қудратини янада оширишга қаратилгандир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлини танлаган экан, барча демократик мамлакатларга хос бўлган сиёсий маданият савиясига эга бўлиши лозим. Айни пайтда Фарб билан Шарқ сиёсий маданиятининг мазмуни ва савиясида ўзига хослик мавжудлигини ёдда тутиш лозим. Шарқона сиёсий маданият, ўзбекиона давлатчилик тажрибаси ва сиёсий маданият ўз тарихий илдизлари ҳамда бой аънаваларига эга. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табии-тини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Фарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва омма-ни ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқдаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос аънаваларга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминидан шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор».

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги ёшлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашда янги-ча фикрлайдиган, демократик ислохотларда фаол иштирок эта оладиган, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга ўз муносабатини билдира оладиган, эркин шахс – баркамол ёш авлод сифатида шаклланиши стратегик жиҳатдан муҳим эканлигини ҳис эта олиши зарур. Улар ўз куч ва имкониятига таяниб, жаҳон майдонида юз бераётган юксак ақл-заковат ва истеъдод мусобақаларида беллашувга қодир бўлиши, илм-фанда юқори кўрсаткичларга эришиши, бу борада энг ривожланган давлатлар билан беллашиб, мамлакатимизнинг нуфузини кўтариши лозим.

Бир сўз билан айтганда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиши, Ватанимизнинг порлоқ келажаги, нурли эртаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, энг аввало, унинг ёшлари қандай камол топиши, ҳаётга қай йўсинда кириб боришига боғлиқлигини яхши англаши ва буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги даркор.

Элёр КЕНЖАЕВ,
Республика Маънавият
тарғибот маркази раҳбари
ёрдамчиси.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

БУНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Учинчи мақола

Ҳар қандай давлат тизимида коррупция ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларига салбий таъсир кўрсатади, мамлакат иқтисодига хорижий инвестицияларнинг киришига тўсқинлик қилади, миллий сармоянинг чет элга оқиб кетишини кучайтиради, давлатнинг ҳуқуқ-тартиботи ва хавфсизлигига раҳна солади. Шунингдек, коррупция давлат хизматлари ва хизматчилари обрўсига путур етказиши мумкин.

Бундан ташқари, терроризм, экстремизм, одам савдоси ва бошқа хавфли ҳодисаларнинг ривожланиши учун қулай шароит яради. Коррупциялашган давлат аппарати нафақат терроризм ёки экстремизмга, балки уюшган ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш имконига эга бўлмай қолади. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан унинг олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий чораларини кўриш ниҳоятда долзарб вазибалардан биридир.

Ушбу жиноятчилик турининг, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимида учраб туриши жамиятни жиддий ташвишга солиши шубҳасиз. Сўнгги йилларда ички ишлар органлари томонидан коррупциянинг олдини олиш ва уни бартараф этишнинг маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий чоралари кенг қўлланилмоқда. Чунки айнан маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий чоралар жамиятда коррупциянинг юзага келиши ва ривожланишига тўсиқ қўйиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу иллат ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Шу боис коррупцияга қарши курашда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашиш мазкур ҳодисанинг турли шакллари аниқлаш ҳамда унга қарши курашнинг замонавий чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Маълумки, ички ишлар идоралари ижроия ҳокимиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Афсуски, ушбу тизимнинг айрим ходимлари фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса соҳа обрўсига путур етказиши мумкин.

Ҳуқуқ-тартибот органларининг асосий вазифаси жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади. Коррупция ҳуқуқ-тартибот органларида қонунга хилоф қилмиш сифатида давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги барча саъй-ҳаракатларини тўхтатиб қўйиши мумкин. У оммада давлат ҳокимияти институтларига

нисбатан ишончсизликни ҳамда «Ҳамма нарса сотилди ва сотиб олинди» қабилидаги салбий фикрни юзага келтиради. Шу боис охириги вақтларда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг коррупцион хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

XX асрнинг 90-йилларида собиқ иттифоқ ҳудудида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеа-ҳодисалар жиноятчилик ва ҳуқуқ-тартибот, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. 1991–1996 йиллар мобайнида давлат ва ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда олти мингга яқин уюшган жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланган демократик ўзгаришлар, чуқур ўйлаб амалга оширилган оқилона сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўта олди. Бироқ таъкидлаш ўринлики, мураккаб ўтиш даврида ходимларнинг муайян қисми давр синовларига дош бера олмади, каттароқ даромад топиш илтижиди ҳуқуқ-тартибот тизимини тарк этганлар ҳам бўлди. Улар ўз қилмишларини оқлаш учун моддий қийинчиликларни, етарлича ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланмаганлигини, хизматдаги ахлоқий-психологик зўриқишларни баҳона қилар эдилар. Президентимиз ташаббуслари билан тизимда олиб борилган ислохотлар туфайли нафақат ички ишлар органларининг профессионал ўзаги сақлаб қолинди, балки тизимнинг барча соҳаларида сифат кўрсаткичини, ходимларнинг маънавий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга муваффақ бўлинди.

Ислом Каримов 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришар экан, ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонун эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбари-



нинг кўрсатмаларига таянган, амал қилган ҳолда биз йўлимизда учраб турган, тараққиётимизга ғов бўлаётган турли иллатлар, айниқса, коррупция кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бормоқдамиз.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ички ишлар идора-

рига тўғридан тўғри боғлиқдир.

Баъзи ички ишлар идоралари ходимлари хулқ-атворида оммавий маданият томонидан тарғиб қилинаётган турли «қадриятлар», ўткинчи ҳою ҳавас таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳаётда айрим ахлоқи беқарор ходимларнинг моддий эҳтиёжларни маънавийдан, хизмат бурчидан устун қўйиши ҳолатлари ҳам учраб туради.

Коррупцион хулқ-атворнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини таҳлил қилиш айрим фуқароларда пул ёки совға ёрдамида мавжуд қонун-қоидаларни айланиб ўтган ҳолда ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин, деган фикр борлигини кўрсатади. Бундай шахслар ходимларга таъсир ўтказиши ва шу орқали уларни коррупцион жиноятга жалб қилиши мумкин. Ҳақиқий осойишталик посбонининг виждони ва шаъни бундай ишларга қўл уришига йўл қўймайди.

Ички ишлар органлари ходимларининг коррупция домига тушишига тўсиқ бўладиган бир қатор бошқа омиллар ҳам мавжуд. Шахс учун асосий аҳамиятга эга бўлган субъектив омилларга раҳбарият ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари, шунингдек жамоат назорати кабиларни киритиш мумкин. Унда коррупцияга қарши хулқ-атвор шаклланишида касбдошлари, қариндошлари, дўст-биродарлари ва умуман, атрофидаги яхши одамларнинг муносабати ҳам ижобий роль ўйнайди. Айнан ходимнинг ижтимоий мақсад-муддаоси ва ахлоқи нуқтаи назаридан қонуний ёки қонунга хилоф хулқ-атвор мотивацияси вужудга келади.

Шу билан бирга, ходим ҳуқуқий онгининг ривожланиш даражаси ҳам катта аҳамият касб этади. Маънавий ва ахлоқий фазилатла-

тарғибот ва маънавий-ахлоқий тайёргарликни шакллантириш соҳасидаги ишлар нафақат ҳуқуқий талаб ва нормаларни билиш, балки қонун ва касбий фаолиятга ҳурмат юзасидан муносабатда бўлиш билан узвий алоқадорликда амалга оширилиши зарур.

Шу маънода ходимни маънавий ва ахлоқий комил ҳамда ҳалол шахс қилиб тарбиялаш асосий йўналишларидан биридир. Бунинг учун эса ҳуқуқ-тартибот посбонларининг маърифатли, юксак маънавият соҳиби бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Бунда коррупцияга қарши ҳуқуқий нормалар ва тегишли ахлоқий меъёрлар, иймон-этикод тушунчалари муҳим ҳисобланади. Юксак ахлоқий сифатларга эга ходим жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш баробарида фуқароларнинг назарида давлат ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлайди. Ва аксинча, тамағирлик, порахўрликка мойил ходим одамлар кўзи ўнгида давлат ҳокимияти идораларини обрўсизлантириб, ҳуқуқий нигилизм, яъни амалдаги қонун-қоидаларга беписандларча қараш ва ижтимоий лоқайдчилик кенг йўл очиб беради.

Шу маънода ички ишлар идоралари шахсий таркибининг коррупцияга қарши курашиш, муросасизлик руҳида тарбиялаш жамоада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришнинг зарур шартидир. Ҳозирги кунда ИИБ тизимида мақсадли ва тизимли асосда амалга оширилаётган маърифий, тарбиявий ишлар нафақат ходимларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиради, балки шахсий таркибининг коррупцияга қарши курашини рағбатлантирувчи ахлоқий-руҳий муҳитни юзага келтиради. Ушбу жараён ҳуқуқ-тартибот ходимларида инсоф, иймон-этикод, ҳалоллик каби сифатларни шакллантиришга қаратилиши керак.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари ходимларида коррупцияга қарши имунитетини шакллантиришда улар онгига қонунларга қатъий риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш, хизмат бурчига садоқат, юксак маънавиятни моддий эҳтиёжлардан, ўткинчи ҳою ҳаваслардан устун қўйиш каби хусусиятларни сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Шариф ҚОБИЛОВ,
ИИБ Академияси доценти,
полковник.

Ички ишлар органлари ходимларининг коррупция домига тушишига тўсиқ бўладиган бир қатор бошқа омиллар ҳам мавжуд.

лари ходимлари томонидан коррупция жиноятларининг содир этилишига бир қатор омиллар таъсир қилади. Қуйида улар устида тўхталамиз.

Ижтимоий омил. Ҳар қандай инсоннинг хулқ-атвори яшаш учун умумий ва доимий курашдан, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқади. Шу боис коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ижтимоий ҳаёт ва хизмат жамоасидаги шароит билан белгиланади.

Рухий омил. Ўз касбий вазибаларини бажариш жараёнида ходимлар турли жиноий унсурларнинг руҳий таъсирини дучор бўладилар. Мулоқот жараёнида ходимларга тажовузкор ёки ўзини идора қила олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаролар таъсир ўтказиши ва ходимни коррупцион жиноят содир этишга мажбур қилиши мумкин.

Ахлоқий омил. Ходимнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари унинг иродавий ва ахлоқий фазилатла-

Жараён

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йилнинг 23 январидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакат парламентида бўлиб ўтган сайловлар якунлари ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш, жамият тараққиётини жадаллаштириш учун уларнинг самарадорлиги омиллари ва ақин истиқболдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мустақиллик йилларида парламентимиз босқичма-босқич, тадрижий йўл билан шакллана бориб, унинг фаолиятида замонавий парламентаризмнинг демократик институтлари, аъналар ва тартиб-қоидалари амал қилиши учун зарур шароит яратилди. Маълумки, умуммиллий вакиллик органи – парламентнинг табиатида назорат фаолияти хос. Парламент назоратининг аҳамияти шундан иборатки, у авваламбор ҳукуматнинг янада самарали фаолиятига эришиш, бутун давлат механизмининг бир маромда ишлаши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, амалдаги қонунчиликни амалга ошириш амалиётини таҳлил этишни назарда тутати.

Хорижий мамлакатларда парламент назорати қадим ўтмишдаёқ мавжуд бўлган. Илк бор 1215 йилда Англияда давлат харажатларининг назорат қилиниши борасида қўлланила бошланган экан. Парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланган назорат ваколатларини амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳам жуда хилма-хил. Турли мамлакатларда мазкур шакллар ва тартиб-қоидалардан бошқарув шакли, парламент конституциявий макомининг хусусиятлари, аъналар ҳамда бошқа омиллардан келиб чиқиб фойдаланилади. Парламент назорати парламент (унинг палаталари), кўмиталар ва комиссиялар, қонун чиқарувчи идораларнинг бошқа органлари ҳамда депутатлар томонидан амалга оширилади.

Парламентлар ижро этувчи ҳокимият, бошқа давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида турли тартиб-қоидалардан фойдаланади. Жумладан, ҳозирги замон парламентлари ўз фаолиятида назоратнинг қуйидаги шакллари қўллаб қўлади:

1) **Ҳукуматга саволлар** вазирларга, давлатнинг бошқа органларига ва мансабдор шахсларига парламентнинг ялпи мажлисларида берилади. Парламентнинг регламентларига мувофиқ, одатда ҳафтада бир марта ҳукумат ва вазирларга «саволлар соати» белгиланган бўлиб, у 40 дақиқача чўзилиши мумкин. Одатда, саволлар ёзма равишда палаталар йиғилишларида олдиндан эълон қилинади. Саволлар оғзаки ва ёзма шаклда бўлиши мумкин.

Францияда ижро ҳокимияти устидан назоратнинг шаклларида бири ҳукуматга депутатларнинг оғзаки ва ёзма саволлари ҳисобланади. Илк бор оғзаки саволлар

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

хориж тажрибаси ва миллий амалиёт

депутатлар палатаси ва Сенатининг III республика давридаги (1875 йилги Конституцияси) регламентларига киритилган эди. 1909 йилдан депутатлар палатаси, 1911 йилдан Сенат фаолиятига ёзма саволлар бериш амалиёти киритила бошлаган. Ушбу мамлакат Миллий Мажлисида ўтган йиллар мобайнида ўртача ҳисобда 100 дан 200 га қадар оғзаки саволлар берилган. Оғзаки саволларга нисбатан ёзма саволлар сони кўпроқ. Ёзма саволлар асосан ижтимоий масалалар, солиқлар, таълим ва қишлоқ хўжалигига тааллуқлидир. 1993 йилдан 1997 йилга қадар депутатлар томонидан 1491 та оғзаки савол берилган бўлса, ёзма саволлар 51165 тани ташкил этди. 1997–2002 йилларда эса 1765 та оғзаки ва 76177 та ёзма савол берилган.

2) **Мунозаралар (дебатлар)** олдиндан белгиланган масалалар ва ҳукуматнинг умумий сиёсати юзасидан олиб борилади. Одатда улар парламентдаги муҳолифат томонидан ёки жамоатчилик фикрини қўллаб-қувватлашига таяниш мақсадида ҳукумат томонидан амалга оширилади. Мунозаралар парламент депутатларининг маълум миқдори таклифи бўйича бошланиши мумкин. Мунозаралар ҳукумат фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ қарор чиқарилиши назарда тутмайди.

3) **Интерпелляция** фақатгина парламент республикалари ва парламент монархияларида, баъзи ҳолларда аралаш президентлик республикаларида қўлланилади. Бунда ижтимоий аҳамиятга молик масала парламент мажлисида кўрилиб, ундан сўнг ҳукумат раҳбари (Бош вазир)нинг тушунтириши берилади. Масала муҳокама қилиниб, овоз бериш орқали қарор қабул қилинади. Берилган жавобнинг қониқарсиз баҳолалини, ишонсизлик билдирилиши ҳукуматнинг ёки вазирнинг истеъфога чиқишига олиб келади ёки давлат раҳбари янги сайловларни белгилаб, парламентни тарқатиб юбориши ҳам мумкин. Саволларга нисбатан интерпелляцияни бериш тартиби мураккаброк кечади. Одатда, интерпелляция учун кўп сонли имзолар, уни беришда қатъий муддатлар ва муҳокамалар талаб этилади.

4) **Ишонсизлик вотуми** тўғрисида масалани қўйиш ва ҳукуматга танбеҳ бериш овоз бериш орқали ҳал қилинади. Бу жараён маълум тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади. Одатда бундай масала парламентдаги муҳолафат томонидан қўйилиб, ҳукуматни истеъфога чиқариши ҳам назарда тутати.

5) **Ҳукумат ва вазирларнинг ўз фаолияти тўғрисида маърузалари ва ҳисоблари** парламент палаталарида тингланади. Унинг таъсирчанлиги эса давлат бошқарув шаклига боғлиқ. Парламентар республикаларда ва монархияларда ижроия ҳокимияти иши қониқарсиз баҳолаганда вазирларнинг истеъфоси масаласи қўйилиши мумкин. Бошқарувнинг бошқа шаклларида маъруза ва ҳисоботлар кўпроқ ахборот

аҳамиятига эга бўлади. Масалан, Францияда 1993 йилдаги ишоратга кўра, ҳар сешанба кун тушликдан сўнг бўладиган мажлисда ҳукумат илгаридан маълум қилиб, ўзи танлаган масала бўйича ахборот беради. Шундан сўнг ҳар бир депутатлар гуруҳининг вакилига ўз фикрини билдириш учун 5 дақиқадан вақт ажратилади.

6) **Парламент эшитувлари** президентлик ёки аралаш президентлик республикаларида кўпроқ қўлланилиб, парламент республикаларида қисман татбиқ этилади. Улар, айниқса, АҚШда самарали ҳисобланади. Эшитувлар парламентнинг комиссиялари томонидан ташкил қилиниб, муҳим аҳамиятга молик масалаларга жамоатчилик, давлат идораларининг эътиборини қаратишни мақсад қилиб кўяди. Эшитувларга ижроия ҳокимияти, жамоат вакиллари, олимлар, мутахассислар таклиф қилинади. Эшитувларда мажбурий қарорлар қабул қилинмайди. Парламент амалиётида парламент тафтиши тартиб-қоидалари ҳам маълум. Масалан, АҚШда парламент тафтиши назоратнинг энг синалган усулларида бири ҳисобланади. Ҳукумат органлари фаолиятининг парламент тафтишини Конгресснинг доимий ва тафтиш кўмиталари амалга оширади. Россияда парламент эшитувлари ўтказиш амалиёти кенг тарқалган. Улар палата кенгаши, кўмиталар ва комиссиялар, депутатлар бирлашмаларининг ташаббусига биноан ўтказилади. Қоида тариқасида, парламент эшитувлари муҳокама қилинаётган масала юзасидан тавсиялар қабул қилиш билан якунланади.

Бундан ташқари, айрим мамлакатларда парламент терговлари, парламент комиссарлари фаолияти, парламентнинг махсус йиғилишларини чақириш, парламент сўровлари каби назорат шакллари қўлланилади. Хозирда парламент республика ҳисобланган Германияда ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулияти институти мавжуд. Яъни парламентда ҳукумат ўз фаолияти ҳақида ҳисобот беради. Агар унинг фаолияти қониқарсиз деб баҳоланса, парламент ҳукуматни истеъфога чиқариши мумкин. Парламент ҳукуматнинг истаган аъзосини чақириб, ундан ҳисобот сўрашга, умумий ва хусусий сўровлар беришга ҳамда тергов комиссияларини тузишга ҳақли.

Парламент комиссарлари фаолияти. Улар давлат маъмуриятининг маълум соҳалар (инсон ҳуқуқлари, Куролли Кучлар, экология, тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва бошқа масалалар) бўйича фаолиятини текширади. Парламент комиссарлари ўз тафтишини ўтказиш, материалларни суд, прокуратурага топшириш ҳуқуқига эга. Барча давлат органлари улар билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Парламент комиссарларига ҳокимиятнинг аънавий уч бўғинга бўйсунмайдиган органлар деб қаралади, аммо улар ҳар йили парламентга ҳисобот тақдим этадилар ҳамда парламент олдида ўз фаолияти билан боғ-

лиқ масалаларни қўйишлари мумкин.

Айрим давлатларда парламент томонидан ҳукумат қўллаб-қувватланар экан, у ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолаверади. Агар парламент ҳукуматга ишонсизлик билдирса, у истеъфо беради ёки парламент муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин. Ҳукуматга ишонсизликни, қоида тариқасида, парламентнинг куйи палатаси билдиради. Аммо баъзи мамлакатларда, масалан, Италияда ҳукумат ҳар бир палата олдида сиёсий жавобгар бўлади. Бунда палаталарнинг исталган бири ҳукуматга ишонсизлик билдириш тўғрисида резолюция қабул қилиши мумкин. Мазкур резолюция лойиҳаси палата аъзоларининг камида ўндан бири қисми томонидан имзоланган бўлиши лозим. Резолюция лойиҳаси киритилганидан сўнг камида уч кундан кейин муҳокамага қўйилади. Резолюцияни қабул қилиш учун палата аъзоларининг оқддий кўпчилик овози кифоя қилади.

Бошқа мамлакатларда (масалан, АҚШда) ҳукумат Президент олдида жавобгар: парламент ҳукуматга ишонсизлик билдириш ҳуқуқига эга эмас. Аммо мазкур давлатларда парламент ижро этувчи ҳокимият устидан кенг назорат қилиш ваколатларига эга. АҚШда назоратнинг асосан қонунчилик билан боғлиқ шакллари амал қилади, аммо назоратнинг бошқа шакллари, масалан, парламент тафтиши ҳам муҳим ўрин тутати. Россияда парламентнинг куйи палатаси ҳукуматга ишонсизлик билдиришга ҳақли, аммо ҳукуматни истеъфога чиқариш масаласини Президент ҳал қилади. У ҳукуматни истеъфога чиқариши ёки куйи палата қарори билан келишмай, уни тарқатиб юбориши мумкин (башарти, куйи палата уч ой ичида ҳукуматга қайта ишонсизлик билдирса ёки ҳукумат ўз ташаббуси билан унинг олдида ишонч тўғрисидаги масалани қўйса ва палата ишонч билдирмаса).

Ўзбекистон парламенти ҳам Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. У Конституцияга мувофиқ, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилади. Бундан ташқари, парламент Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Давлат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Бу ва бошқа шунга ўхшаш масалалар парламент назорати соҳасини ташкил этади. Мазкур мақсадларда парламент куйидаги назорат тартиб-қоидаларидан фойдаланади:

а) тегишли органларнинг маъруза ва ҳисоботларини, шу жумладан ҳисоб палатасининг ҳисоботини палаталарнинг (шу жумладан қўшма) мажлисларида тинглаш;

б) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунлар, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, кўмиталарнинг қарорлари ижроси тўғрисидаги маълумотларини палата кўмиталарида тинглаш;

в) муайян вазифаларни, шу жумладан парламент назоратини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун махсус комиссиялар тузиш;

г) депутатлар (сенаторлар) тегишли органлар ва мансабдор шахсларга саволлар ва сўровлар билан муурожаат этиши.

Россия парламентининг амалиётида нафақат депутат сўровлари (уларга 30 кундан кечиктирмай жавоб берилиши лозим), балки парламент сўровлари ҳам қўлланади (мазкур сўров билан бутун палата муурожаат этади ва унга 15 кун ичида жавоб берилиши керак). Россия парламентининг палаталарининг регламентларида палата мажлисида «ҳукумат соати»ни ўтказиш назарда тутилган. Бунда палата аъзоларининг саволларига жавоб бериш учун ҳукумат аъзолари, шунингдек бошқа органларнинг раҳбарлари таклиф қилинади. Мазкур тадбир доирасида кўриб чиқилган масалалар юзасидан палата қарорлари махсус қарор, палата муурожаати ёки мажлис баённомасидан кўчирма шаклида расмийлаштирилиши мумкин. Қарорларда Президентга, ҳукуматга муурожаат этилиши, Ҳисоб палатасига топшириқ берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига янги норма сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш белгиланган. Асосий қонунимизнинг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан, Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентини олдида жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, 2014 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонуннинг 1-моддаси 2-бандида парламент назоратини ва ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш белгиланган. Худди шу модданинг 3-бандида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган.

Парламент назорати бўйича ҳар иккала палата ҳам бир қатор амалий тажрибага эга бўлди. Ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш шаклланди. Ўзбекистон парламенти палаталари фаолияти такомиллашиб бормоқда. 2010–2014 йиллар давомида 250 дан ортиқ амалдаги қонунларнинг ижроси назорат-таҳлил тартибидан ўрганилган. Шу билан бирга, бир қатор парламент эшитувлари, кўмита эшитувлари доирасида Бош вазир ўринбосарларининг, вазирларнинг ёки бошқа ҳукумат вакилларининг ҳисоботлари эшитилди. Бундан ташқари, баъзи бир кўмиталар қонун лойиҳаларини такомиллаштириш, маромига етказиш учун кўплаб жамоатчилик эшитувларини ташкил этди.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори.

Мутахассис маслаҳати

Оғу балосидан асрайлик

1987 йили БМТ Бош Ассамблеяси 26 июни Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилишга ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни деб эълон қилди. Бундан кўзланган мақсад ушбу иллатга қарши курашда халқаро ҳамкорликни кучайтиришдан иборат эди. Шундан буён ушбу сана ҳар йили дунё миқёсида кенг нишонланмоқда.

Гиёҳвандлик ҳозирги замоннинг энг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки мазкур иллат кўплаб аянчли оқибатларга олиб келади. Жумладан, аҳолининг умумий саломатлигига, табиий демографик ресурсларга жиддий зиён етказилади.

Одатда ушбу хасталикка чалинганлар касалхоналарда даволанишади, профилактик назорат остида бўлишади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, гиёҳвандликка ружу қўйганлар ўз хоҳишига кўра мутахассисларга мурожаат этишади ёки суд-тергов органлари қарорига, давлат соғлиқни сақлаш тизимига кирувчи тиббиёт муассасалари йўлланмаларига кўра наркологик муассасаларга текшириш, даволаш учун юборилади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг қайд этишича, гиёҳвандлар сафи тобора ёшариб бормоқда. Айрим ўсмирлар 14-15 ёшида, ҳатто ундан ҳам эртароқ захри қотилни илк бор истеъмол қилиб кўра-япти. Уларнинг қизиқувчанлиги, катталарга ўхшаб кўринишни исташи, ота-оналарнинг диққат-этиборини ўзига қаратишга интилиши гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишларига сабаб бўлмоқда. Баъзи болалар бекор қолишдан, турли тўғарақларга, спортга жалб этилмаганлигидан гиёҳфурушлар усталлик билан фойдаланишмоқда. Улар айни шундай ўсмирларни наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдосига жалб этишяпти.

Ҳўш, дилбандларимизни бундай зарарли таъсирлардан ас-

раш учун нималар қилишимиз керак? Куйида болаларни нафақат гиёҳвандлик балосидан, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан муҳофаза қилиш бўйича бир қанча тавсиялар берамиз.

Биринчи навбатда ўта бандлигингизга, ишдан сўнг чарчаганлигингизга қарамай, ҳар



куни болаларингиз билан мулоқот қилиб туришингиз лозим. Чунки мулоқот инсоннинг, жумладан болаларнинг ҳам табиий эҳтиёжидир. Агар сиз фарзандларингиз билан самимий, ишончли муносабат ўрнатмасангиз, бошқалар уларнинг ишончига қиради. Энди сизнинг ўрнингизни эгаллашга интилувчи шахслар ким бўлиши-ю, улар жигарбандларингизни нималарга ўргатиши мумкинлиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг.

Болангиз билан суҳбат пайтида унинг фикрларини диққат билан тингланг, нуқтаи назарини дарҳол кескин танқид қилмасдан, тушу-

нишга интилинг. Бунинг учун фарзандингизнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Ўсмирга кўпинча унинг муаммолари билан ҳеч ким қизиқмайдигандай, уни ҳеч ким тушунмайдигандай туюлади. Болангизга шундай муомала қилинги, у ҳар қандай вазиятда ҳам сизга мурожаат қилиши мумкинлигини тушунсин. Ўзингизни шундай тутсангиз, фарзандингиз унинг тақдирини билан қизиқаётганлигингизни ҳис қилади.

Имкониятингиздан келиб чиққан ҳолда кўпроқ вақтингизни фарзандингиз билан бирга ўтказишга ҳаракат қилинг. Масалан, болаларингиз билан бирга спорт, мусика ва бошқа машғулоти билан шуғулланг, биргаликда

лашишга интилинг, унинг хатти-ҳаракатлари нотўғрилигини ётиги билан тушунтиригиз. Бундай қилмишлар қандай оқибатларга олиб келишини ҳаётий тажрибангиздан мисоллар келтириб исботланг. Унинг устидан қулишдан ва уни камситишдан ўзингизни тийинг.

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Фарзандингиз гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш-қилмаслигини ўзингиз аниқлашингиз анча қийин. Шунга қарамай унда куйидаги белгилар намоён бўлса, сергак тортишингиз лозим.

Физиологик аломатлар:

- терининг оқариши ёки қизариши;
- кўз қорачиғи кенгайиши ёки торайиши, кўзнинг хира тортиши ёки қизариши;
- нутқнинг узук-юлуқлиги, секинлашиши ёки тезлашиши.
- боланинг ҳаракатларини яхши бошқара олмаслиги (чайқалиши ёки қоқилиб кетиши);
- қон босимининг кескин ўзгариб туриши.

Хулқ-атвордаги аломатлар:

- сабабсиз асабийлашиш, дангасалик, ланжлик;
- ҳамма нарсага бефарқлик, хотиранинг заифлашиши, диққатнинг сусайиши;
- уйдан чиқиб кетиши, дарсларга тушунарсиз сабабларга кўра бормаслиги;
- танқидни кўтара олмаслиги, кайфиятининг тез-тез ўзгариб туриши;
- илгари яқин муносабатда бўлган одамлари билан мулоқот қилишдан қочиши;
- фанларни ўзлаштиришининг пасайиши;
- тез-тез пул сўраши;
- уйингиздан қимматбаҳо буюмларнинг йўқола бошлаши;
- сирли сўзлашувлар олиб

бориши, гаплашганда жаргон сўзлардан фойдаланиши, унга тез-тез телефон қўнғироқларининг бўлиб туриши;

- одамови бўлиб қолиши, илгари қизиққан ишларига қизиқшининг сўниши;
- ранги рўйининг бир аҳволда бўлиши.

Яққол кўзга ташланадиган белгилар:

- кўлида уколдан қолган излар, кўкарган жойлар, тиг излари, чандиқларнинг пайдо бўлиши;
- ёнидан найча шаклига солинган қоғоз парчалари ва пул купюраларининг топилиши;
- хонасида капсулалар, шиша ва тунука идишларнинг топилиши;
- чўнтақларида уйку дорилар ёки тинчлантирадиган дориларнинг қутилари бўлиши;
- сигарет қутисидан папирос солиб юриши.

Агар фарзандингиз гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишни бошлаган бўлса, ушбу муаммони бир ўзингиз ҳал этишга уринманг, унга бақирманг. У билан жанжаллашманг. Дарҳол нарколог, психолог ва бошқа мутахассисларга мурожаат қилинг. Улар сизга керакли маслаҳатлар беришади ҳамда зарур даволаш-реабилитация муолажаларини ўтказишади.

Жамиятнинг вазифаси – болаларни гиёҳвандлик иллатидан сақлаб қолиш, гиёҳвандларга ушбу зарарли одатдан халос бўлишларига ёрдамлашиш, соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш, ҳаммининг захри қотилсиз бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашдир. Келинглр, ҳар биримиз ана шу савобли ишга ўз ҳиссамизни қўшаёлик.

Фания ШИГАКОВА,
ИИБ Тиббиёт бошқармасининг бош психиатр-наркологи, шифокори, капитан.

Мулоҳаза

ЁШЛАР ВА «ЎРГИМЧАК ТЎРИ» келажак авлод ижтимоий тармоқлар асирими?

Озод ва обод Ўзбекистонимизнинг келажиги, шубҳасиз, ёш авлод қўлида. Юртимизнинг эртаси келгуси авлодни қай даражада тарбиялашга боғлиқ. Мана шундай долзарб вазифани амалга ошириш учун аждоқларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш билан бир қаторда замон талабларига мос таълим-тарбия усуллари билан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, бугунги кунда Юртбошимиз таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра аҳамиятлидир. Бу курашда ёшларимиз кучли мафкуравий иммунитет, мустақкам ирода ва соғлом дунёқараш билангина голиб чиқишлари мумкин.

Мафкуравий иммунитет тизимининг муҳим унсурлари билимлар замирида шакллантирилса, қадриятлар ҳам шунчалик мустақкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар, миллий урф-одатлар мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради.

Маълумки, организмнинг бирор жойига инфекция тушса, қонга ўтади ва аста-секин бутун вужудни зарарлайди. Худди шун-

дай ёт таъсирлару гоёлар ёшлар онгини забт этишига йўл қўймайлик керак. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт гоёларнинг олдини олишда профилактик тадбирларнинг ўрни катта.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ва жаҳонда оламшумул ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда нафақат ёшлар, балки бутун жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб келаётган ижтимоий тармоқларни четлаб ўтолмаймиз.

Бугунги кунда интернет энг сердаромад соҳалардан бири сифатида эътироф этилмоқда, десак хато бўлмайди. Аммо турли ижтимоий тармоқларнинг вужудга келиши ва жадал сурьатларда жуда катта аудиторияни қамраб олаётгани миллий маънавиятимизга таъсир ўтказмай қолмайди, албатта. Бугун бу глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсон, айниқса, ёшларимиз

маънавиятига туғдирадиган хавф-хатарлари тўғрисида кўпроқ сўз юритишга тўғри келмоқда.

Ушбу ижтимоий тармоқлар сайт ташриф буюрувчиларига алоҳида ва умуммулоқот қилиш, турли ўйинлар ўйнаш, шарҳлар қолдириш, гуруҳлар очиш, дўстлар орттириш, суратлар, видеороликлар юклаш учун кенг имкониятлар яратиб берадиган улкан мулоқот майдонидир. Бошқача айтганда, жадал глобаллашув жараёнида ижтимоий тармоқларнинг асосий ўзига хос жиҳати, ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир қуролига айланиб, турли хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, айниқса, ёшларимиз орасида оммалашиб бормоқда. Юртимизда интернетдан фойдала-

нувчиларнинг аксарияти юқорида айтиб ўтилган тармоқларда ўз профилларига эга. Бироқ кейинги йилларда мазкур тармоқларнинг ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. Бунинг олдини олишда аввало, оиладаги муҳитнинг аҳамияти каттадир. Отананинг дунё ташвишлари билан бўлиб, фарзанди тарбиясига кам вақт ажратишидан ёки уларни қандай ишлар билан машғул эканлигига эътиборсизлигидан ижтимоий тармоқлар уддабуронлик билан фойдаланиб қолишмаяптимики?! Ёши улугларимиз бежиз: «Оила – тарбия ўчоғи» деб айтишмаган. Зеро, ниҳолнинг қандай мева бериши унинг парваришига боғлиқ.

Тарбиянинг бўшашиб кетиши оқибатида фарзанд улгайгач, бемехр, турли таъсирларга тез берилувчан бўлади. Таассуфки, ҳозир ҳаётда бундай ҳолатлар кўп учраб турибди. Оддий мисол: бола ота-онасидан пул олиб, мактабга бораёпман, деб интернет клубга кетса, назоратсизлик оқибатида бора-бора турли ёмон йўللарга кириб қолиши мумкин.

Бунга барҳам бериш учун келажакимиз ворисларини маънавий бой, одоб-ахлоқли, билимли этиб, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, зарарли ва маънавий таҳдидлардан уларни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Орзугул ЙЎЛДОШЕВА.



Турмуш чорраҳаларида

Абдурахим ака машинаси-ни дарвоза олдига қўйиб, уйга кирди-да, йўлдан ҳориб келгани учун бирданнига сўрига ёнбошлади.

– Ҳой онаси, қаердасан? Совуқ чойинг борми?

Фарида опа қўлида чойнак кўтариб келди ва эрига салом берди.

– Яхши бориб келдингизми? Қариндошлар эсон-омон юришган эканми?

– Ўзиям тухуми тошлоққа ёйилганлардан эканмиз, нақ уч кунда бир амаллаб айлан-иб чикдим-а. Яхшиям тагимда машина бор, бўлмаса бир ҳафта кетарди. Сениям, мениям биронта қариндошим қолмади, ҳаммасини тўйга айтдим.

Кейин устма-уст икки пиёла совуқ чойни хўпларкан, хотинига разм солиб:

– Нега шаштинг паст, бир нима бўлдимиз? – деди.

– Шўримиз қуриб қолди, дадаси, – дея кўзига ёш олди Фарида опа ерга қараб.

– Нима бўлди, тинчликми? Тезроқ айтсанг-чи, хотин! – сўради Абдурахим ака бетоқат бўлиб.

– Анваржонни қамаб қўйишибди, – деди Фарида опа пиқиллаб.

– Нега, нега қамаб қўйишди, ўзи нима бўлибди?

– Машинасида одам уриб кетибди.

– Қачон, қаерда?..

Устма-уст саволларига хотинидан тайинли жавоб ололмаганидан жиғибийрон бўлган Абдурахим ака сўкинди-да, қўлидаги пиёлани ерга уриб, ўрнидан турди.

– Ўзим бориб қудалардан нима бўлганини билиб келаман, – дея эшикка йўналди...

Бўлғуси куёви – Анваржон ёмон йигит эмас. Қизи Ирода билан икки йилдан бери бирга ишлайди. Бир-бирини ёқтиргани учун совчиларга розилик билдириб, оқ фотиҳа берганди. Қудалари ҳам бамаъни одамлар экан. Тўйга эса атиги икки ҳафта қолди. Энди буёғи нима бўлади? Автохалокат қандай содир бўлганмикин? Ҳар қандай шароитда ҳам ҳайдовчи эҳтиёт бўлиши керак, ишқилиб, жабрланган тирик қолган бўлсин. Абдурахим ака ана шундай хаёллар билан қудасининг уйига кириб борди.

– Кўргуликни қаранг, ўғлимнинг ўзи билмайди қачон уриб кетганини, бир йигит майиб бўлиб касалхонада ётибди, – деди Яшар ака уф тортиб. – Уни кўчадан тез ёрдам машинаси топиб олиб, шифохонага олиб борган. Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин кимдир туман ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилиб, Анварнинг машинаси рақамини берган.

– Анваржоннинг ўзи қаерда?

– Вақтинча ҳибсхонада бўлди, ҳозир тилхат билан қўйиб юборишган. Терговча бориб турибди.

– Адолат барибир қарор топади. Куйинманг, ҳуқуқшунос танишларим бор, маслаҳатлашиб кўраман, – деди Абдурахим ака унга далда бериб.

Анварнинг ҳибсга олингани эшитган Ирода карахт бўлиб қолди. Устози Маъруфа опа қизнинг бу ҳолатини кўриб, унга шундай деди:

– Қизим, ҳибсга олингани қамалди дегани эмас. Тергов, суриштирув бўлади, Анваржон айбдор бўлмаса, албатта, чиқариб юборишади.

– Келаётган шанба куни никоҳ гувоҳнома-сини олмакчи эдик, – деди Ирода йиғламсираб. – Мен Анвар

ва ундан иш жараёни ҳақида суриштирди.

– Анвар Яҳёев машинасида одам уриб кетганини тан олмаяпти, – деди терговчи, майор Алимов. – Ўртоқ бошлик, менда бир шубҳа уйғонди. Жабрланган йигит қишлоқ марказида яшайди. Автохалокат эса қишлоқдан анча нарида рўй берган. Бунинг усти-

юринглар, оёқ-қўлим ишламай қоляпти, дейди, – пиқиллаб кулди Нурмат қассоб.

– Бахтига «Тез ёрдам» келиб қолди, бўлмаса ўлиб қолармиди, – дея пиёлани соқийга узатди Ҳаким даллол.

– Ана шуниси ёмон бўлди, – деди Мансур овозини пазайтириб. – Тузалиб қолса, бизни сотиши мумкин.

– Э, қизиқми-сан, кўрдинг-ку,

ИРОДА



акамни яхши биламан, агар одам босиб кетганларида бунчалар бемалол юрмасдилар.

– Сен бу ерда ўз ич-этингни еб ўтирмасдан ички ишлар бўлимига бор. Катталари билан учраш, Анваржон ҳақидаги фикрларингни айт. Шу куниеқ Маъруфа опанинг йўл-йўриги билан Ирода туман ИИБ бошлиғи қабулига ёзилиб келди. Унинг бахтига эртасигаёқ бошлиқнинг қабул куни экан.

– Анвар акам у одамни уриб кетмаганлар, – деди Ирода бошлиққа юзланиб.

– Ички ишлар идорасига жабрланувчини айнан Анвар Яҳёев бошқараётган машина уриб кетди, деган хабар келган, – деди бошлик. Сўнг давом этди: – ўзи Анвар сизга ким бўлади? Уни яхши биласизми?

– Биз бирга ишлаймиз. Яқинда тўйимиз бўлади, – уялиб ерга қаради Ирода. – Одамларга жуда меҳрибонлар. Бирор киши билан жанжаллашиб, ҳақоратлашганларини кўрмаганман. Биров кўполлик қилса, ранжитса, қўл силтаб кетаверадилар. Ана шундай юмшоқ табиатли инсон бир кишини машинада уриб, майиб қилиб, ҳеч нарса бўлмагандай юра олармиди...

Бошлик қизнинг дадиллигига, севган кишига чин дилдан қайғураётганига, унинг учун жон куйдираётганига ҳавас қилди.

Қабул вақти тугагач, автохалокат бўйича тергов олиб бораётган ходимни чақирди

га, у ўша куни маст ҳолда бўлган.

– Воқеа жойини ипидан игнасиғача, пухта текшириб кўрдингларми?

– Ҳа, қайта-қайта текшириб кўрдик. Лекин экспертларимиз ҳам ҳеч қандай арзирли ашёвий далил топа олмади.

– Ишни пухта ўрганиш керак. Жабрланган йигит билан яна учрашиб нима бўлганини суриштириб кўриш лозим, – дея топшириқ берди бошлик.

– У нима бўлганини яхши эслолмаяпти. Шифокорлар мияси чайқалган дейишяпти.

Профилактика инспекторига тайинлаб қўйганман, тез-тез хабар олиб турибди, ўзим ҳам бориб турибман.

Бошлик терговчига иш юзасидан яна бир неча топшириқлар бергач, унга рухсат берди.

...Ҳаким даллолнинг дала ҳовлисида зиёфат авжида. Сой бўйидаги ўрик тагига қўйилган сўрида беш улфат Нурмат қассобнинг туғилган кунини нишонляпти.

– Мен сенларга ўргатмаганимда, аллақачон панжара ортида ўтирардиларинг, – мағрурланганча қадах кўтарди Мансур. – Бунақа воқеалар илгари ҳам бўлган, сувдан қуруқ чиқиб кетишнинг йўлини билиш керак.

– Ўша куниеқ йигит бечорани қамаб қўйишди, – деди Холиқ фермер.

– Ҳаким уриб юборган йигитнинг маст экани ҳам фойда берди. Улардай ичган экан, ўзиям, машинага ўтқизганимизда касалхонага олиб кетяпти деб ўйлаб, тезроқ

гирт маст эди. Бунинг устига машина уриб кетгандан кейин ўзидан кетиб қолди, яна анчагача инграб ётди. Қоронғида сен билан мени танирмидики, биз у қишлоқда яшасак, – деди Нурмат қассоб.

– Ҳар эҳтимолга қарши касалхонага бориб, шифокорни қўлга олиш керак, – деди Мансур жиддий туриб. – Ўша йигит тирик қолмаса яхши бўларди.

Ўртага совуқ сукунат тушиб, ҳамма жим қолди. Кейин сал жонланишди.

– Бунақа ишларни Ҳаким эплайди, – деди Холиқ.

Зиёфат анчагача давом этди. Эртасигаёқ Ҳаким даллол шифохонага борадиган бўлди.

Маъруфа опанинг жияни Мастура туман марказий шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Тажрибали, ўз ишини яхши билади. Шунинг учун ҳам шифокорлар унга ишонишади. Мана, ўша автохалокатда жабрланган Ҳалим исмли йигит шифохонага келтирилганидан буён унга Мастурани бириктириб қўйишган. Барча муолажаларни ўз вақтида бажариб, йигитнинг ёнида бирга ётган укасига ҳам меҳрибонлик қилмоқда.

– Акам тузалиб кетарми-канлар? – дея Мастурага юзланди Ҳалимнинг укаси илтижоли оҳангда.

Эндигина мўйлаби сабза ураётган йигитчининг бу гапидан таъсирланган Мастура:

– Албатта, тузалиб кетади, қайғуравермай, келганларга акам яхши бўлиб боряптилар, деб туринг, – деди ку-

либ. – Беморга доим яхши тилак билдириш керак. Йигит киши бардошли, иродали бўлади, акангиз ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади, жароҳатлари ҳам унчалик оғир эмас.

Шу пайт палатага ийманиб-гина Ирода кириб келди. Мастура уни яхши танигани учун кучоқлашиб кўришди. Маъруфа опадан Ирода ҳақида эшитгани учун унга далда беришга ҳаракат қилди.

– Беморимиз секин-аста тузалиб боряпти, – деди Мастура Ҳалимга ишора қилиб. – Ҳадемай, боши ҳам тузалса, кейин оёқ-қўллари ҳаракат қила бошлайди.

– Мастура опа, Анвар акам автохалокат ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, балки бу киши қанақа автомашина уриб юборганини эслаб айтиб берар, деган умидда келгандим.

– Терговчи ҳам келиб турибди, ҳозирча у ҳеч нарса эслолмаяпти. Лекин эси ўзига келса, айтиб берса керак.

– Акам бугун эрталаб касалхона у томонда эмас-ку, дея алаҳладилар, – деди Ҳалимнинг укаси.

– Бу гапни терговчи келса, айтиб беринг, иложи бўлса, гапларини ёзиб олиш керак.

– Менинг телефонимга овоз ёзса бўлади, – деди Ирода телефонини йигитга узатиб. – Мана, олиб туринг.

– Мен сизни танидим, – деди йигитча телефонни оларкан. – Барно опам билан бирга коллежда ўқигансиз, уйда суратингиз ҳам бор.

– Ука, илтимос, ҳар бир гапини ёзишга ҳаракат қилинг, – деди Ирода йигитчининг бошини силаб.

– Беморга укол қилиш вақти бўлди, – дея ҳаракатга тушди Мастура.

Ирода улар билан хайрлашиб, палатадан чиқиб кетди.

Ҳаким даллол бош шифокорни яхши билади. У ҳеч қачон бу қалтис ишга кўнмайдди. Шунинг учун даволовчи шифокорни қўлга олиш керак. Унинг бахтига даволовчи шифокор Эгамбердиев қайнағасининг хотинига қариндош экан. Учрашиб, кечқурун қаҳвахонага таклиф этди.

– Узоқ бўлса ҳам маликаи дилоромимизга кеннойиси томондан қариндош экансиз. Яхшилаб танишиб олайлик деб таклиф қилгандим, – деди ишшайиб.

Ўртада икки мартадан пиёлалар бўшатилагач, Ҳаким даллол секингина муддаога ўтди. Аввалига шифокор бу катта жиноят эканини айтиб кўнмади. Лекин яхшигина ҳақ тўланишини эшитгач, шундоқ ҳам тузалиши гумон бўлиб турган Ҳалимни оёққа тургазмаслик чорасини кўришга ҳаракат қилишини айтди.

Эртасига бош шифокорнинг икки кунлик семинарга кетганидан фойдаланиб ҳамширани ўзгартирди ва айрим муолажаларни тўхтатди.

(Давоми бор.)

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Қилмиш-қидирмиш

ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ БУЮРМАЙДИ

Машойхлар «Бекор ўтиргунча бекор ишла», дейишган. Ушбу гапнинг маъносини чақинг. Балки, «Бекор ишлаш нима дегани?» деб сўрасиз. Бу – бирор ҳақ тўламаса ҳам, ўзингизга фойдаси бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаса бошқалар учун фойдали бирор иш билан машғул бўлинг дегани. Акс ҳолда, бекорчиликдан ҳаёлга нималар келмайди, дейсиз...

Акромжон (воқеа иштирокчиларининг исми-роқибларининг исми-роқиблари ўзгартирилган) до-нишмандларнинг ана шу пурмаъно ҳикмати ўқимаган, шекилли. Ёки ўқиган бўлса ҳам ўқмаган. Хуллас, у қишнинг охири кунларидан бирида кечгача бекор юрди. Қош қорая бошлагач, уйдагиларга: «Бир айланиб келай. Бир-икки жойда ишим ҳам бор эди», деб кўчага чиқди. Аслида ҳеч қанақа иши йўқ эди, шунчаки зерикканди, холос.

Йўл ёқасида турса, кулранг «Нексус»да таниши Абдуқаюм ўтиб борапти. У ҳам ўзига ўхшаган бекорчилардан эди. Акромжонга кўзи тушгач, ҳайдовчига айтиб, машинани тўхтатди.

– Ҳа, йўл бўлсин, ошна? – сўради Абдуқаюм.

– Шунчаки бир айланиб келай дегандим. Қишнинг захида одам уйда ўтираверса занглаб қолади, – кулимираб жавоб қайтарди Акромжон.

– Унда ўтир, айлантириб келаман, – деди ўртоғи.

Иккаласи анча жойгача ҳолаҳвол сўраб боришди.

– Э, ўзимиздан экансан. Боя дилимдаги гапни айтдинг. Эракки киши кўчанинг одами сенга айтсам. Ота-боболаримиз «Йигит моли кўчада» деб бежиз айтишмаган. Э, ана, қара, калани ишлатасан, анави пуллар бизники бўлиши мумкин, – дея Абдуқаюм ташқарига ишора қилди. Сўнг ҳайдовчига буюрди. – Ука, бир чеккада тўхтатинг.

Акромжон қараса, икки киши «Эсперо» русумли автомашинага қопларда ни-мадир юклашяпти.

– Қоплардаги пуллингини қайқандан била қолдинг? Сен ҳам гапни олиб қочасан-да.

– Бўлмаса, банкдан бўғирсоқ ёки гумма олиб чиқишармиди, – кесатди таниши.

Акромжон бундоқ қараса, ҳақиқатан ҳам «Эсперо» машинаси банк биносининг олдида турибди. Автомобиль саломида ўтирган киши ҳам пўрим кийинган, салобатли эканлиги шундоқ кўриниб турарди.

– Ҳўш, шу пулларни қўлга киритишга бир ҳаракат қилиб кўрмаймизми?

– Ўзинг биласан.

– «Карнайчидан бир пуф!» дейишган экан. Ўйчи ўйига

етгунча, таваккалчи ишини битиради. Нима дединг?

– Ўзинг биласан...
– Э, сендан тузукроқ гап чиқадими-йўқми? – Абдуқаюм зарда қилди. Сўнг қиракашга буюрди. – Анави автомашинанинг орқасидан ҳайданг.

Улар изма-из Юнусобод туманидаги «Бодомзор» ресторанига етиб келишди. Пул ортилган машинада ўтирганлардан бири ресторан ёнидаги офисга кириб кетди. Ҳайдовчи ёлғиз қолди. Ҳайдовчи ёлғиз қолди. Буни кўрган Абдуқаюм қиракашга жавоб бериб юбориб, таниши Шавқиддинга кўнғироқ қилди.

Шу ўринда бир оз «лирик чекиниш» қилиб, Шавқиддин ҳақида батафсилроқ маълумот бериб ўтамиз. У 2010 йилда

– Гап бундай, – деди Абдуқаюм. – Ҳов анави қора «Эсперо»ни кўраёсанми? Ўшанинг юкхонасида бир дунё пул бор. Ҳайдовчиси-ни кўрқитиб, машинани олиб қочасан бас – ошигимиз олчи.

Шавқиддин кайф устида эмасми, кўзига бу дунёдаги энг осон ишдек кўриниб кетди.

– Бор-йўғи шуми? – деди у беписанд оҳангда. – Ҳозир қотирамыз-да. Юр-чи.

Абдуқаюм унга эргашди. Шавқиддин тўғри бориб, «Эсперо»нинг ойнасини тақиллатиб:

– Азиз ака, қалайсиз? – деди.

Ҳайдовчи машинанинг эшигини очиб, пастга тушди. У: «Мен Азиз эмасман, Мирсаидман. Янглиштирингиз», демоқчи эди, аммо

– Дархонга тез етиб кел. Иш бор. Яхшигина ҳақ тўлайман, – деб қолди.

Яхши ҳақнинг дарагини эшитиб, Икромжоннинг юзу кўзи яшнаб кетди. Қиракашликдан тузук пул топши учун кун бўйи машинасида бўзчининг моксидек шаҳарда у ёқ, бу ёққа бориб келавериб, орқасини яғир қилиши керак. Ушандаям кўпроқ мижоз учраса яхши. Бўлмаса топганининг баракаси бўлмайди. Шунинг учун яхши ҳақнинг дарагини эшитиб қувониб кетди-да. Зерикмаслик учун ёнида ҳамроҳ қилиб олиб юрган ошнаси Фахриддин билан қувончини баҳам кўрди:

– Болалар фойдали иш тақлиф қилишяпти. Фақат нима ишлигини аниқ айтишмади. Мен ҳам суриштириб ўтирмадим. Майли, борганда биламиз.

Йўлда уларни Шавқиддин билан Акромжон кутиб олди. Машинага ўтириб, йўл кўрсатиб боришди. Маҳалла оралаб, қора тусли «Эсперо»нинг ёнига етиб олишди. Унинг юкхонасидан қопларга жойланган пулларни «Матиз»га ортиб, Фахриддиннинг ҳеч ким турмайдиган уйига йўл олишди.

Манзилга етиб бориб, ўлжани ҳисоблашса, 115 миллион 700 минг сўм экан. Тўда аъзолари пулни ўзаро тақсимлаб олишди.

Икромжонга хизмат ҳақига 9 миллион 200 минг сўм беришди. Ҳамма хурсанд эди. Лекин қувончлари узоққа чўзилмади. Воқеадан хабар топган тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзгаларнинг бойлиги ҳисобига ялло қилишни ўйлаган кимсалар бирин-кетин қўлга олинди. Одам игна эмаски, исиз йўқолса. Яхшилаб изласа, игнани ҳам топса бўлади. Хуллас, изқуварлар сўраб-суриштириб, ҳаммасининг изига тушишди. Тергов ҳаракатлари чоғида Шавқиддиннинг уйдан жиний гуруҳ аъзолари ўмарган пулнинг 13 миллион 250 минг сўми топилди. Шундай қилиб, зўравонларга бировнинг ҳақи буюрмади – «Терминал савдо» масъулияти чекланган жамиятга тегишли пуллар зўравонларга насиб этмади.

Икромжон ўзига тегишли «Матиз» русумли автомашинада қира қилиб юрган эди. Бир пайт уяли телефони жиринглаб қолди. Таниши Шавқиддин кўнғироқ қилаётган экан.

– Дархонга етиб кел, иш бор, – деди.

Нима ишлигини сўрамоқчи эди, аммо алоқа узилди. Зум ўтмай, бошқа бир таниши Абдуқаюм алоқага чиқиб:

Абдурашид АЛИШЕРОВ,
ИИБ Тергов бош бошқармаси матбуот котиби, капитан.
Бобомурод ТОШЕВ,
журналист.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жинойят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Имомиддин Наруллаевич ШЕРХОҲОНОВ. 1980 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани «Мойбулок» қишлоқ фуқаролар йиғини Кўксой маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Мадина Юсуповна МУҲАММАДИЕВА. 1986 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани Чўянчи қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Акром Ҳаётмуродович ЮЛДОШЕВ. 1988 йилда туғилган. Пахтачи тумани Зиёвиддин шаҳарчаси Ф. Ҳўжаев кўчаси 38-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «б» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Нуриддин Давриддинович ХОЛИҚОВ. 1985 йилда туғилган. Ургут тумани Жар қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Моҳчеҳра Баҳриллоевна АҲМЕДОВА. 1983 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Зебунисобегим кўчаси 13-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Сарвигул Ибодуллоевна ҚОДИРОВА. 1988 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Зебунисобегим кўчаси 13-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Равшан Каҳарович КАДИРОВ. 1983 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Зебунисобегим кўчаси 13-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Муқаддас Маматқуловна ЖАЛИЛОВА. 1980 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани Чўянчи қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Алижон Зайниддин ўғли МУҲАММАДИЕВ. 1992 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Чароғон маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан (0-366) 233-31-30, 233-02-64 рақамли телефонлар орқали Самарқанд вилояти ИИБга ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

ЖАНГОВАР САНЪАТНИНГ РИВОЖИНИ КЎЗЛАБ

Пойтахтимизда Жаҳон Фудокан каратэ-до федерацияси (WFF) президенти раҳбарлигида тўртинчи ўқув-услубий семинарга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг ҳамкорларидан бири Ўзбекистон Республикаси «Динамо» ЖТСЖ бўлди.

Матбуот анжумани асосан фудокан каратэ-до спорт турини Ўзбекистонда ривожлантириш ва оммалаштириш мавзусига бағишланди. Тадбирни Ўзбекистон Фудокан каратэ-до федерацияси (ФКФ) Бош котиби Музаффар Юнусов очди. Анжуман қатнашчилари орасида хорижлик меҳмонлар ҳам бор эди.



Ўзбекистон ФКФ раиси, 6-ДАН қора белбоғ соҳиби Шуҳрат Анваров тўпланганларни қўлаб, ёшлар ва катта ёшдагилар жамоаларини, хусусан фудокан каратэ-до усули бўйича жаҳон чемпионатига тайёрлаш бўйича

федерация олдида турган вазифалар хусусида тўхталди. Шундан сўнг фудокан каратэ-до усули асосчиси, тиббиёт профессори Илья Йорг сўзга чиқди.

– Ўзбекистон Фудокан каратэ-до федерацияси анчадан

буён фаолият кўрсатади. Шунинг учун юртингиз спортчилари нуфузли мусобақаларда мунтазам равишда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келаётгани табиий ҳол. Айни пайтда ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда

ушбу спорт тури тобора ривожланаётганига, оммалашиб бораётганига гувоҳ бўлаётганим, – деди у.

Матбуот анжуманида ўтказилган семинардан кўзланган мақсад терма жамоани шакллантириш эканлиги таъкидланди. Шунингдек, бу каби тадбирлар спортни оммалаштиришда, соғлом турмуш тарзини кенг ёйишда, гиёҳвандликка ва болалар жиноятчилигига қарши курашни тарғиб қилишда ҳам муҳим роль ўйнаши айтилди.

Хумоюн МУҚИМОВ.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган суратлар.

МАЙДОНДА БОЛАЖОНЛАР

Жиззах вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ёзги таътилда дам олаётган болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун уларни спорт мусобақаларига жалб этилмоқда. Маҳаллаларда ўғил-қизлар ўртасида футбол, волейбол мусобақалари ташкил қилинаёпти.

Шунингдек, «Динамо» ЖТСЖ томонидан вилоят ИИБга қарашли Зомин тоғлари бағрида жойлашган генерал-майор Ё. Норбеков номидаги болалар оромгоҳида келажагимиз ворислари ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар уюштирилди.

Ўғил болалар ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси, айниқса, қизиқарли кечди. Қизлар иштирокидаги «Қувноқ» турнири кўрик-танлови ҳам барчага хуш кайфият улашди. Унда оромгоҳда дам олаётган қизлар ўзларининг билими ҳамда чаққонликларини намойиш этишди. Бундан ташқари, шахмат ва шашка ҳамда стол тенниси бўйича ўтказилган беллашувлардан болажонлар олам-олам таассурот олишди.

Мусобақалар якунида ғолибларга вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Ифтихор



Республика ИИБ Академияси тингловчилари орасида спорт билан шуғулланиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ва ютуқларга эришаётганлар сони ортиб бормоқда. Бундай муваффақиятларга эришишда ИИБ Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиларининг алоҳида ўрни бор. Таъкидлаш лозимки, кафедра ўқитувчилари ҳам шогирдларига ҳар томонлама ўрнатилган спортнинг муайян тури бўйича халқаро турнирларда иштирок этиб, юртимиз довуригини оламга ёймоқдалар.

Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтган самбо ва жанговар самбо бўйича халқаро Гран-при турнирида ИИБ Академияси жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчилари, майорлар Олим Одиллов ва Отабек Олимов иштирок этишди. Шунингдек, Тошкент шаҳар

ИИББ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси, подполковник Рустам Одиллов ҳамма ҳамда спортчилар маҳоратини баҳолади.

Осиё, Европа ва Африканинг йигирмага яқин давлатларидан икки юздан ортиқ спортчи иштирок этган мазкур турнирда қатнашиб, ги-

ВАКИЛЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ЮТУҒИ

ламга чиқишнинг ўзи катта шараф. Ҳамюртларимиз орасида майор Отабек Олимов юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олди. У дунёнинг турли давлатларидан келган иштирокчиларга мустақил Ўзбекистонда ҳар қандай рақибга бас кела оладиган моҳир спортчилар етишиб чиқаётганини исботлади. Жанговар самбо бўйича 57 килограммилар вазнида беллашган О. Олимовга дастлаб мезбон мамлакат спортчиси рўбаро бўлди. Гарчи, бутун зал юртдошини олқишлаб турган бўлса-да, вакилимиз рақибини соф ғалаба билан мағлубиятга учратди. Навбатдаги рақиб Болгария вакили ҳам ҳарчанд уринмасин Отабекни енга олмади. Ҳакам вакилимизнинг кўлини баланд кўтарди. Финалда О. Олимовга қирғизистонлик спортчи рақиб бўлди. Бу гал ҳам юртдошимиз турли усуллар қўлаб, ўзининг ҳар томонлама кучли эканлигини кўрсата олди. Муҳташам залда юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди ва Отабек Олимовга олтин медаль топширилди.

Майор Олим Одиллов ҳам маҳоратли спортчилар Ўзбекистонда ягона эмаслигини исботлади. У самбо бўйича беллашувда 82 килограммилар сафида гиламга чиқди. Дастлаб Германия, Англиядан келган спортчиларни соф ғалаба билан мағлубиятга учратган О. Одиллов бронза медаль учун кечган курашда мезбон мамлакат вакилини очколар бўйича ортда қолдирди.

Самбо ва жанговар самбо бўйича республика тоифасидаги ҳакам, подполковник Рустам Одиллов эса беллашувларни одилона бошқариб, иштирокчилар эътирофига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам у турнирнинг ўнта энг одил ҳакамлар қаторидан жой олди ва унга Халқаро самбо федерациясининг сертификати топширилди.

Шундай қилиб, ИИБ Академияси тингловчиларига спорт машғулотларидан сабоқ бериб келаётган майорлар Отабек Олимов ва Олим Одиллов халқаро Гран-при турнирида муносиб иштирок этиб, муҳим ғалабани қўлга киритишди.

Ринат РАҲАБОВ,
капитан.

Ўтаётган ҳафта Ўзбекистон футболга боғлиқ шундай хабар тарқалди: «Миллий терма жамоа бош мураббий Миржалол Қосимов истеъфога чиқарилиб, унинг ўрнига Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаев тайинланди». 23 июнь куни бўлиб ўтган ЎФФ Ижроия қўмитаси мажлисида қабул қилинган ушбу қарор футбол мутахассислари ва мухлисларининг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди.

ЎФФ матбуот хизматининг хабар беришича, танқидий руҳда ўтган Ижроия қўмита мажлисида миллий терма жамоамизнинг сўнгги ўртоқлик ва расмий ўйинлари, шунингдек, мамлакат олимпия терма жамоасининг Осиё чемпионати саралаш босқичидаги муваффақиятсиз иштироки жиддий муҳокама қилинган. Федерация президенти Мираброр Усмонов томонидан, айниқса, Миржалол Қосимов бошчилигидаги миллий терма жамоамиз қаттиқ танқид қилинган.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг охириги ўйинлари юртимизнинг миллионлаб футбол мухлисларини ниҳоятда ранжитди. Мамлакатимизнинг бош жамоаси жорий йилда ўтказган саккизта уч-

Футбол

ЎЗГАРИШЛАР САМАРА БЕРДИ

рашунинг аксариятида мағлубият аламини тотиб кўрди, бор-йўғи иккитасида ғалаба қозона олди, холос. Киририлган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати ҳам шунга яраша – 9:16! Айниқса, футболчиларимизнинг Япония миллий терма жамоасига ўртоқлик учрашувида бўлса-да, йирик – 1:5 ҳисобида мағлубиятга учраши жуда аламли бўлди. 2018 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасида КХДРга қарши ўтказилган ўйиндаги мағлубият (2:4) эса ҳаммасидан ошиб тушди. Буларнинг барчаси, юқорида қайд этилганидек, миллий терма жамоа ўзагини ташкил этиш, ўзига хос барқарор ўйин услубини шакллантириш борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилмаганидан далолат беради.

Эндиликда миллий терма жамоанинг янги бош мураббийи ва тез орада шакл-

лантириладиган мураббийлар штаби олдида мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда, саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш вазифаси турибди. Албатта, бу осонликча бажариладиган иш эмас. Бунинг учун, биринчи навбатда, терма жамоа мураббийлар штабига тажрибали ва етарли салоҳиятга эга мутахассисларни жалб қилиш, юксак мақсад йўлида уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан фаолият юритиш талаб этилади.

Дарвоқе, ҳозирча миллий терма жамоада Равшан Ҳайдаровнинг фаолият юритиши аниқ. Шунингдек, С. Бабаевга чет эллик мутахассис маслаҳатчи мураббий сифатида ёрдам беради. Терма жамоалар марказига ЎФФ президенти Мираброр Усмонов томонидан 20 кун ичида бу масала-

ни ижобий ҳал этиш вазифаси қўйилган: «Навбатдаги ўйинга тайёргарлик бошлангунча, терма жамоада хорижлик маслаҳатчи мураббий иш бошлаши керак».

Юқорида айтиб ўтганимиздек, С. Бабаевнинг миллий терма жамоа бош мураббийи этиб тайинлангани айни пайтда муҳлису мутахассислар ўртасида турли хил баҳс-мунозараларни келтириб чиқармоқда. Мамлакатимизнинг таниқли мутахассисларидан бири Рауф Инилеев arena.uz сайтига интервью берар экан, бу борадаги фикрларини қуйидагича баён этди:

– Самвел Бабаев терма жамоани қандай бошқаришини вақт кўрсатади. Тўғри, у «Пахтакор»да яхши натижа кўрсатмоқда ва буни инкор этиб бўлмайди. Бироқ терма жамоа билан клуб ўртасида катта фарқ бор.

Кўринадики, миллий терма жамоамиз ва унинг бош мураббийи зиммасидаги масъулиятли вазифанинг қай даражада адо этилиши олий ҳакам ҳукмига ҳавола. Мухлисларнинг нияти, кўп йиллик орзуси эса футболчиларимизнинг бўлғуси жаҳон чемпионатидаги иштирокига гувоҳ бўлиш. Шу ният рўйи йўлида терма жамоамизга омад тилаймиз.

Камол ОЛЛОЁРОВ.



Хуқуқий маслаҳатхона

ҚАНЧА МУДДАТДА ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ?



Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарима қанча муддатда тўланиши керак? Жаримага тортилган шахс уни тўламай келаётган бўлса, мажбурий ундирув қандай тартибда амалга оширилади?

А. Рашидов.
Тошкент вилояти
Қибрай тумани.

! Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332-моддасига асосан, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб, 15 кундан кечиктирилмай тўланиши лозим. Агар сиз

жарима тўғрисидаги қарор устидан шикоят билдирган тақдирингизда, шикоят қаноатлантирилмаганлиги ҳақида хабар берилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тўлов амалга оширилиши керак.

Мазкур кодекснинг 333-моддасига биноан, ҳуқуқбузар жаримани белгиланган

муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ, жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёхуд стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Саволингизга ҳуқуқшунос Қурбаной РАХИМОВА жавоб берди.

ЙЎРИҚНОМАГА МУВОФИҚ



Зарурат бўлганда, қуриб битказилмаган уйни нотариус орқали бошқа шахсга ўтказиш мумкинми?

Р. Халилов.
Тошкент шаҳри
Олмазор тумани.

! Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда тасдиқланган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги Йўриқнома»нинг 73-бандига мувофиқ, қуриб

битказилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқа шахсга ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлган ҳолда тасдиқланиши мумкин.

Шунингдек, мазкур Йўриқноманинг 74-бандига қуриб битказилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлашда яна қандай ҳужжатлар талаб қилиниши қайд этилган.

Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳабибулла АТАҚУЗИЕВ жавоб берди.

ЖАДВАЛДАГИ ВАҚТ ЎЗГАРТИРИЛИШИ МУМКИН



Қиш вақтига нисбатан кўпчилик ёзда меҳнат таътилига чиқишни истайди. Ходим ўзи хоҳлаган пайтда таътил олишга ҳақлими?

Элёр Маҳмудов.
Самарқанд шаҳри.

! Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 144-моддасига асосан, йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вақиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши лозим. Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги

ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:
– ўн тўрт ёшга тўлмаган бир нафар ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева аёллар, бева эркеклар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
– I ва II гуруҳ ногиронларига;
– 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
– таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;
– жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.
Ишлаётган эркекларга йиллик таътил уларнинг хоҳишига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.
Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Саволингизга ҳуқуқшунос Ғолиб ЭШМОНОВ ва Шухрат ИСРОИЛОВ жавоб берди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши умумий ҳарбий фанлар кафедраси ўқитувчиси, майор Акмал Сулаймоновга падари бузруквори

КОМИЛХОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Норин тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи инспектори, капитан

Баҳодир МАМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

КЎЙ



Ушбу ҳафтада ўзингизга ҳаддан ташқари кўп ишонманг. Кўл остингиздагиларни назорат қилишни унутманг. Атрофингиздагилар сизни ҳурмат қилишда ҳамда қадрлашда. Фирибгарларга чув тушишдан, умуман олганда, алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Кимлардир орқаворотдан ноҳўя ишлар қилиши эҳтимоли бор. Бутун диққат-этиборингиз бошқа нарсага қаратилганлиги сабабли буни ҳаттоки билмай қоласиз.

СИГИР



Ҳафтанинг биринчи ярмида ишга кўмилиб қоласиз. Барчасини бажаришга кўзингиз етмайди, лекин аслида ҳаммасини уддалай оласиз. Ҳаётдаги икир-чикирларга кўп ҳам эътибор қилаверманг. Кундалик юмушлар билан шуғулланиб, келажакка ишонч билан боқинг. Ҳафтанинг охирида барча қийинчиликларни енгиб ўтасиз. Бунда сизга ҳамкасбларингиз ёки яқинларингиз ёрдам беришлари мумкин.

ЭГИЗАКЛАР



Юзага келган вазиятни тушуниб етиш вақти келди. Сиздан қатъиятлик ва шижоат талаб этилади. Шунингдек, ишга маълум даражада ижодий ёндашув ҳам бўлиши керак. Ҳафта давомида ҳужжатлар, ҳокимият органлари, ҳатто суд билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишингизга тўғри келади. Бундан чўчиманг, барча масалалар сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Фақат бунинг учун ўз манфаатингизни қатъий ҳимоя қилинг.

ҚИСКИЧБАҚА



Ушбу ҳафта бошида ҳеч қандай ўзгаришлар юз бермаслиги мумкин. Шунинг учун бу вақтда яхшиси дам олинг, ўзингизни ўтга-чўққа ураверманг. Зиммангиздаги мажбуриятларни камайтиринг. Ишларингизнинг кўпини кейинроққа қолдирсангиз ҳам бўлаверади. Чунки бир мунча муддатдан сўнг жуда ҳам фаоллашиб қоласиз. Тез фикрлайсиз. Ҳафтанинг охирида ҳаётингизда янгиликлар содир бўлиши кутилмоқда.

АРСЛОН



Ҳафтанинг бошида ишингиз бароридан келиб, кайфиятингиз кўтарилади. Оилавий муносабатларингиз мустаҳкамланади, умр йўлдошингиз билан бир-бирларингизни яхшироқ тушуна бошлайсиз. Ҳозир янги иш бошлаш, олға интилиш учун қулай пайт. Моддий аҳволингизни яхшилашга алоҳида эътибор беринг. Ҳафта охирида фаолият доиранингиз бир оз тораяди. Рухан пича чарчайсиз.

ПАРИЗОД



Ҳафта давомида асосан оилангизнинг фаровонлиги йўлида кўп вақт, куч сарфлайсиз. Ҳафтанинг ўрталарида турли фикрлар, нуқтаи назарлар туфайли бошқалар билан жанжаллашиб қолишингиз эҳтимоли бор. Айни пайтда бундай тортишувлар бир-бирингизни яхшироқ тушунишингизга олиб келади. Ҳафтанинг охирида мақсадларингизни тула равишда амалга ошира оласиз. Бундан ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз.

ТАРОЗИ



Иш фаолиятингиз жадаллашиши кутилмоқда. Ҳаётингизда янги гоёлар туғилади. Саъй-ҳаракатларингиз туфайли молиявий аҳволингиз аста-секинлик билан яхшилана боради. Ниятларингизни қўрқмасдан амалга оширингиз мумкин. Улар сизга муваффақият келтиради. Ҳатто ҳасадчилар ҳам пайдо бўлади. Улардан қўрқмасангиз ҳам бўлаверади, чунки барчасидан устун келасиз.

ЧАЁН



Тез ва кескин ҳаракат қиласиз. Натижада амалга оширадиган ишларингизни пухта режалаштиришга етарлича вақт ажрата олмайсиз. Фақат аниқ ҳисоб-китоб асосида бажарган ишларингизгина сиз кутган яхши натижаларга олиб келади. Ҳафтанинг ўрталарига борганда, ҳаётингизда бир қанча жиддий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам ижобий деб бўлмайди.

ЁЙ



Одамларга баҳо беришни яхши кўрасиз. Аммо уларнинг ҳатти-ҳаракатини ўз қарчингиз билан ўлчайсиз. Ўзингизни бундай тутишингиз оилангизда ҳам, ишонангизда ҳам сизга нисбатан норозилик туғдиради. Ҳақлингизга ишончингиз комиллигига қарамай баҳс-мунозараларда ҳар доим ҳам ютиб чиқавермайсиз. Ҳафтанинг охирида қачон ҳақ, қачон ноҳақ бўлганлигингизни кўнглингиз сезади.

ТОҒ ЭЧКИСИ



Инсонлар, айниқса ишдаги ҳамкорлар билан муносабатларда эҳтиёт бўлинг. Чунки алданиб қолишингиз, натижада ишхонадаги мавқеингиз ва моддий аҳволингизга жиддий путур етиши эҳтимоли бор. Қийин аҳволга тушсангиз, муаммонгизни ҳал қилишда эски қадрдонингиз ёки ҳамкасбингиз ёрдам беради. Ҳафтанинг бошида диққат-этиборли бўлинг, ҳафтанинг охирига келиб эса одамларга бемалол ишонишингиз мумкин.

ҚОВҒА



Бир томондан бошқа одамларга яхшилик қилиш учун ўзингизнинг ҳузур-ҳаловатингиздан воз кечишингизга тўғри келади. Иккинчи томондан бу ҳаёт лаззатлари, дунёвий шодликлар сизни ўзига оҳанрабодек тортиб олишга ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам қай бирини танлаш ўзингизнинг ихтиёрингизда. Шуниси қувонарлики, ҳар қандай ҳолатда ҳам у ёки бу шаклда ўзингиз ҳам фойда кўрасиз.

БАЛИК



Илгари кимдандир қаттиқ панд егансиз. Шунинг учун одамларга ишонмай қўйгансиз, ҳатто умидсизликка ҳам тушгансиз. Ушбу ҳафтада аҳволингиз аста-секин ўнғлана боради. Сизни яхши кунлар, муҳим ўзгаришлар кутмоқда. Шу аснода ҳаётга, атрофингиздаги одамларга муносабатингиз ҳам ўзгара бошлайди. Бу келгуси ҳаётингиз учун катта аҳамиятга эга.